

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

17-сон
(881)
2019 йил
29 апрель

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

331. «Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 апрелдаги ПҚ-4296-сон қарори
332. «Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда маъмурий тартиб-таомилларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 апрелдаги ПҚ-4297-сон қарори

Учинчи бўлим

333. «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумий ўрта таълим муассасаларида пуллик таълим хизматларини кўрсатиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 апрелдаги 343-сон қарори

334. «Мактабгача ҳамда умумтаълим муассасалари фаолиятини текшириш ишларини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 апрелдаги 352-сон қарори

Бешинчи бўлим

335. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2019 йил 11 мартдаги 4-сон «Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасидаги аризалари ва шикоятларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 22 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3156*)

336. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 16 мартдаги 5/18-сон «Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 22 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2709-3*)

337. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 10 апрелдаги 51, 2019-28-сон «Ўзбекнефтгаз» МХК корхоналари тизим ичида маҳсулот етказиб бериш бўйича табиий газни пировард истеъмолчига сотишдан давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлаш тартиби ҳақида низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 22 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2088-2*)

338. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йил 10 апрелдаги 3-2019, 19-ққ, 15-2019-ққ-сон «Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 22 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3157*)

339. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 11 мартдаги 37-сон «Махсус ахборот портали операторининг давлат харидларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш борасидаги фаолияти тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 22 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3015-1*)

340. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 11 мартдаги 36-сон «Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 22 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3016-1*)
341. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йил 5 апрелдаги 16 қ/қ, 14-2019-қ/қ-сон «Академик лицейлар битирувчиларига мутахассисликлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 22 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2882-1*)
342. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлигининг 2019 йил 12 апрелдаги 329-В-3, 48-сон «Тижорат банклари томонидан давлат мақсадли жамғармалари кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида низомнинг 8-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 22 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2527-3*)
343. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 16 мартдаги 5/10-сон «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисобкитоблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 22 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2465-6*)
344. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2019 йил 16 апрелдаги 15, 01/ққ-сон «Муддатли ҳарбий хизматга чақирилаётган чақирилувчилар танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 22 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2813-1*)
345. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2019 йил 31 мартдаги 39-сон «Ички ишлар органлари томонидан гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар сақланадиган объект ҳамда хоналарнинг техник мустаҳкамлиги ва қўриқлаш-ёнғинга қарши сигнализация мосламалари билан жиҳозланганлиги ҳолати устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 23 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2041-3*)
346. Ўзбекистон республикаси сув хўжалиги вазирининг 2019 йил 8 апрелда-

ги 78-сон «Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги қоидаларининг 18-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 23 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3039-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2019 йил 20 апрелдан 26 апрелгача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

331 Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Мамлакатимизда оналик ва болаликни қўллаб-қувватлаш, болаларнинг маънавий ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси талабларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларнинг баркамол авлод бўлиб етишишини таъминлаш борасидаги фаолиятнинг институционал ва ҳуқуқий асосларини тубдан тақомиллаштириш зарурати тобора ортиб бормоқда.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция талабларини ҳар томонлама ҳаётга татбиқ этиш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида назарда тутилган болаларнинг ҳуқуқларини амалда кафолатлаш, уларнинг жисмоний, интеллектуал, руҳий ва маънавий етук авлод бўлиб етишишини таъминлаш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ:

1. Белгилаб қўйилсинки:

ота-она қарамоғисиз қолган болаларга муниципал ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондидаги ўзлари яшаб турган турар жойларни улар «Меҳрибонлик» уйларига жойлаштирилган, васийлик ёки ҳомийлик органининг розилигига кўра васийликка ёки ҳомийликка олувчи билан бирга яшаётган бутун вақт мобайнида, ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар бронлаштириш ҳуқуқи берилади;

болаларнинг рўйхатда туриш жойи ва фуқаролигидан қатъи назар, уларга барча ижтимоий хизматлар кўрсатилади;

болаларнинг давлат органларига бевосита қилган мурожаатларини тўлиқ кўриб чиқиш кафолатланади ва бола тўлиқ муомала лаёқатига эга эмаслиги важлари билан бу турдаги мурожаатларни кўрмасдан қолдиришга йўл қўйилмайди;

ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга алимент тўлаш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаганда ёки алимент ихтиёрий равишда тўланмаган-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 23 апрелда эълон қилинган.

да ва ота-онадан бирортаси ҳам алимент ундириш тўғрисида судга мурожаат қилмаган ҳолларда 14 ёшга тўлган бола ўзининг таъминоти учун ота ёки онадан ёхуд ота-онаси билан бирга яшамаётган бўлса, бир вақтнинг ўзиде ота-онанинг ҳар иккаласидан қонунда белгиланган миқдорда алимент ундириш тўғрисида даъво қўзғатишга ҳақли;

болаларни ҳимоя қилиш мақсадида судларга ариза билан мурожаат қилган даъвогар давлат божи ва бошқа тўловларни тўлашдан озод қилинади.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва кенг жамоатчиликнинг:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари — Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозимини жорий этиш ва Котибият тузилмасида бола ҳуқуқларини таъминлаш фаолиятига қўмаклашувчи бошқарув ходимларининг чекланган сони 2 нафардан иборат сектор тузиш;

2019 йил 1 сентябрдан Ўзбекистон Республикасида эркаклар ва аёллар учун никоҳ ёшини ўн саккиз ёш этиб белгилаш;

қонун ҳужжатларида оилавий муносабатларни тартибга солишга оид тегишли нормалар бўлмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тамойиллари ва умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ тамойилларига зид бўлмаган маҳаллий урф-одат ва анъаналар қўлланилиши ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

3. Маълумот учун қабул қилинсинки, оилада боланинг манфаатларига тааллуқли ҳар қандай масала ҳал қилинаётганда, шунингдек, ҳар қандай суд муҳокамаси ёки маъмурий муҳокама даврида бола ўз фикрини ифода қилишга ҳақлидир. Бунда қарор қабул қилишга ваколатли органлар (шахслар) боланинг манфаатига тааллуқли масалани ҳал қилишда оқилона ва мустақил фикрлаш қобилятига эга боланинг фикрини, унинг ёшидан қатъи назар, жиддий омил сифатида кўриб чиқиши ҳамда боланинг энг устун манфаатларини назарда тутувчи қарорни қабул қилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги ва Олий суди уч ой муддатда боланинг оқилона ва мустақил фикрлаш қобилятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

4. Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш республика маркази тизимида фуқаролар билан ўзаро алоқани амалга ошириш ва шошилиш рухий, психотерапевтик, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, маслаҳат бериш ва ахборот тақдим этиш учун мўлжалланган «ишонч телефони» (республика доирасида ягона қисқа рақам бўйича ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган «тезкор алоқа») ташкил этилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Марказга мазкур «ишонч телефони» орқали болаларга қўмаклашиш механизмларини жорий этиш ҳамда махсус имкониятларга эга бўлган веб-сайтни ишга тушириш тавсия этилсин.

5. Ўн саккиз ёшга тўлмаган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахсни, агар унинг ота-онасидан бири, васийликка ёки ҳомийликка олган шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний асосга кўра яшаш ҳуқуқига эга бўлса, қўйидаги ҳолларда Ўзбекистон Республикасидан чиқариб юборишга йўл қўйилмайди:

Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузган, яъни Ўзбекистонда яшаш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларсиз ёки ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар билан яшаган, вақтинча ёки доимий прописка, кўчиш ёки турар жой танлаш юзасидан белгиланган тартибга риоя этмаган, бўлиш муддати тугагач чиқиб кетишдан бўйин товлаган, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди орқали транзит тарзда ўтиш тартибига риоя қилмаган ҳолларда;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир этган жинояти учун суд томонидан белгиланган жазо ижро этиб бўлинган ёки ўтаб бўлинганидан кейин ёхуд қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинган ҳолларда.

6. 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларига аби-туриентларни қабул қилишнинг умумий сонидан «Меҳрибонлик» уйи ва Болалар шаҳарчасининг битирувчилари бўлган чин етимлар учун қўшимча равишда бир фоизгача давлат гранти асосидаги қабул квоталарини ажратиш тартиби жорий этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси икки ой муддатда иловага мувофиқ оналик ва болаликка оид статистик маълумотларни «stat.uz» веб-сайтига жойлаштиришни ва маълумотларни доимий равишда янгилаб боришни таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Адлия вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда ФХДЁ органлари билан туғилиш ва ўлим тўғрисида электрон маълумотлар алмашиш тизимининг тўлиқ ишлашини таъминлашга ҳамда муассасаларга оптик толали алоқа тармоғини ўрнатишга қаратилган «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқсин ҳамда йил якунига қадар мазкур тизимнинг тўлиқ жорий этилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)га манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Қонунга ушбу қарордан келиб чиқадиган ҳамда унинг фаолиятини янада такомиллаштиришга ва жамоатчиликнинг кенг иштирок этишини таъминлашга қаратилган ўзгартиришларни киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини белгиланган тартибда кири-тиш тавсия этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 2019 йил 1 сентябрга қадар:

а) Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ ва Адлия вазирлиги билан биргаликда қўйидагиларни назарда тутувчи «Етим болалар ва ота-она қара-

моғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

етим болалар ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларнинг ижтимоий-ҳуқуқий мақоми ҳамда бундай болаларни тарбиялаш учун жойлаштириш шакллари;

фарзандликка олувчи оилаларни тайёрлаш ва уларга кўмаклашиш тартиби;

етим болалар ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларнинг ижтимоий ҳимояси, мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқларининг кафолатлари;

етим болалар ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларнинг ҳуқуқий ёрдам олиш ва суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқларини таъминлаш;

етим болалар ва ота-она қарамоғисиз қолган болалар «Меҳрибонлик» уйлари ва интернатларни ўқиб тугатганидан кейин уларнинг ижтимоий мослашувига кўмаклашиш;

б) Адлия вазирлиги Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги билан биргаликда ота-она қарамоғисиз қолган болаларга муниципал ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондидаги ўзлари яшаб турган турар жойларни улар «Меҳрибонлик» уйларига жойлаштирилган, васийлик ёки ҳомийлик органининг розилигига кўра васийликка ёки ҳомийликка олувчи билан бирга яшаётган бутун вақт мобайнида, ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар бронлаштириш тартибини белгиловчи ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Мактабгача таълим вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда болалар уйлари, ногирон болалар учун «Мурувват» интернат уйлари, сил касаллигига қарши болалар санаторийси, «Меҳрибонлик» уйлари, Болалар шаҳарчалари ва мактабгача таълим муассасаларида сунистеъмолчиликларнинг олдини олиш ва қонунийликни таъминлашга қаратилган жамоат назоратини ўрнатишни назарда тутувчи амалий механизмни жорий қилишни назарда тутувчи таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ билан биргаликда уч ой муддатда:

а) Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунига:

болага нисбатан ишлатиладиган тазйиқ ва зўравонликлар турлари ҳамда унинг олдини олишга оид чораларни;

судгача ва суд жараёнида жиноят процесси иштирокчиси бўлган болаларни ҳимоя қилишга қаратилган қўшимча кафолатларни назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни;

б) Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонунига ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни ҳуқуқбузарлик содир этганлиги учун профилактик ҳисобга олиш ўрнига, уларнинг жамиятга мослашувини таъминловчи механизмларни назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни;

в) Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсни ёлланма сифатида жалб этиш, ўқитиш, молиялаштириш ёки унга бошқа моддий таъминот бериш, худди шунингдек ундан ҳарбий тўқнашув ёки ҳарбий ҳаракатларда фойдаланиш жинояти учун жавобгарликни оғирлаштирувчи нормалар билан тўлдиришни назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни;

г) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг одам савдоси учун жавобгарликни назарда тутувчи 135-моддасини Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясига доир Факультатив протоколга (2000 йил 25 май, Нью-Йорк) имплементация қилишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига белгиланган тартибда киритсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратураси ва Ички ишлар вазирлиги икки ой муддатда ходимларнинг ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар билан ишлаши бўйича методик қўлланма ишлаб чиқсин ҳамда ўз ходимларининг малакасини тизимли равишда ошириб борсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги уч ой муддатда:

Бош прокуратура, Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда васийлик ва ҳомийлик органлари тизимини қайта кўриб чиқиб, уларнинг мақомини белгилаш ҳамда фаолиятини такомиллаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини;

ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий муносабатлар субъекти сифатида қатнашиши учун қулай шароит яратиш мақсадида қонун ҳужжатларидаги «вояга етмаган» ва «бола» каби тушунчаларни бирхиллаштириш юзасидан ўзгартиш ва қўшимчаларни назарда тутувчи таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

икки ой муддатда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш бўйича чора-тадбирлар дастурини;

уч ой муддатда Болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга қулай шарт-шароит яратишга оид миллий ҳаракатлар дастурини тасдиқласин.

16. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш бўйича идоралараро комиссия (О.Б. Муродов) ҳамда Жиноят-ижроия қонунчилигини такомиллаштириш бўйича идоралараро эксперт гуруҳи (А.Ю. Мавлонов) бир ой муддатда тегишли кодекслар ишлаб чиқилишида фойдаланиш ва миллий қонунчиликни такомиллаштириш мақсадида ювенал адлия тизимини жорий этиш бўйича концепция лойиҳасини ишлаб чиқсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ва Савдо-саноат палатаси билан биргаликда меҳнат қонунчилигига кўра ишга кириш ҳуқуқига эга бўлган болаларнинг меҳнатидан фойдаланишда уларнинг ҳуқуқлари кафолатланишини таъминловчи қондаларни кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб қилсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурида-

ги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этсин.

19. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

20. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.А. Абдуҳақимов ва Т.К. Нарбаева зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 22 апрель,
ПҚ-4296-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил 22 апрелдаги ПҚ-4296-сон қарорига
ИЛОВА

**«stat.uz» веб-сайтига жойлаштирилиши лозим бўлган минимал
кўрсаткичлар ва бошқа маълумотлар
РЎЙХАТИ**

Т/р	Кўрсаткичлар номланishi	Маълумотларни шакллантириш учун манба
1.	Беш ёшга тўлмаган болалар ўлими сони (нафар киши).	Давлат статистика қўмитаси
2.	Туғилишда қулайлашган умр давомийлиги.	Давлат статистика қўмитаси
3.	Оналар ўлими коэффициенти (100 000 тирек туғилганга нисбатан).	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
4.	Вазноғирлиги етишмаслиги мавжуд беш ёшгача бўлган болалар улуши (%).	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
5.	Иммунизация билан қамраб олинган болалар улуши (%).	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
6.	Шаҳар ва қишлоқлар кесимида сифати яхшиланган аҳоли фойдаланаётган аҳоли фойзи.	Давлат статистика қўмитаси
7.	Қиз болаларнинг мактабда таълим олиш давомийлиги.	Халқ таълими вазирлиги
8.	Ўйил болаларнинг мактабда таълим олиш давомийлиги.	Халқ таълими вазирлиги
9.	Таълим соҳасида тендер паричет индекси.	Халқ таълими вазирлиги
10.	Болалар меҳнати (18 ёшга тўлмаган шахс).	Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги
11.	Ўсмирлик девирида туғилган сони.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
12.	Туғилиши билан рўйхатга олинган болалар фойзи.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
13.	Болалар (18 ёшга тўлмаган шахс) орасида жиноятларни профилактика қилиш бўйича қўрилган чоралар сони.	Ички ишлар вазирлиги
14.	Болалар (18 ёшга тўлмаган шахс) томонидан содир этилган жиноятлар сони ва хусусиятлари.	Ички ишлар вазирлиги
15.	Судга қалдар иш юритилиш босқичида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган болалар (18 ёшга тўлмаган шахс) сони.	Олий суд
16.	Одил судлов тизимида қирмайдиган таъсир чоралари қўрилган болалар (18 ёшга тўлмаган шахс) сони.	Ички ишлар вазирлиги
17.	Судланган болалар (18 ёшга тўлмаган шахс) сони.	Олий суд
18.	Болаларга (18 ёшга тўлмаган шахс) нисбатан қўлланилган жазо чоралари хусусияти.	Олий суд
19.	Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштирилган болалар (18 ёшга тўлмаган шахс) сони.	Халқ таълими вазирлиги

Изоҳ: «stat.uz» веб-сайтига жойлаштирилиши лозим бўлган кўрсаткичлар Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитасига тақдим қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**332 Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда маъмурий тартиб-таомилларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Мамлакатимизда ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш, экспорт салоҳиятини кучайтириш, инвестициявий жозибадорликни ошириш ва божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, фитосанитария, санитар-эпидемиологик, ветеринария, экологик назорат органлари ва сертификатлаш органлари (кейинги ўринда — ваколатли органлар) фаолиятини ўрганиш натижалари уларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси орқали ўтувчи товарлар ва транспорт воситаларига нисбатан назорат функцияларини амалга ошириш самардорлиги ва тезкорлигини ошириш, шу жумладан идоралараро электрон ҳамкорликни жадал жорий қилиш орқали такомиллаштириш зарурати мавжудлигини кўрсатмоқда.

Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда маъмурий тартиб-таомилларни янада такомиллаштириш, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги «Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология тизимларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4059-сон қароридан белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, «Ўзстандарт» агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекциясининг (кейинги ўринларда — «Ўздавқарантин» инспекцияси) 2021 йил 1 январга қадар БМТнинг Савдо тартиб-таомилларини соддалаштириш ва электрон иш амалиётлари бўйича маркази томонидан ишлаб чиқилган «ягона дарча» механизмини яратиш бўйича тавсиялар ва йўл-йўриқ тамойиллари мезонларига жавоб берадиган «Ягона дарча» божхона ахборот тизимини (кейинги ўринда — «Ягона дарча» БАТ) жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

«Ягона дарча» БАТни жорий этишда ташқи иқтисодий фаолият (кейинги ўринларда — ТИФ) субъектларига қўйидаги имкониятларни яратадиган механизм назарда тутилсин:

импорт, экспорт ва транзитга тааллуқли барча тартибга солиш талаб-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 24 апрелда эълон қилинган.

ларини бажариш мақсадида стандартлаштирилган маълумотлар ва ҳужжатларни ягона ўтказиш каналидан фойдаланган ҳолда тақдим этиш;

ахборот алмашинувнинг махфийлиги ва хавфсизлигини таъминловчи норматив-ҳуқуқий база билан мустаҳкамлаган ҳолда, ташқи савдо битимларига доир барча ахборотларни алмашиш;

давлат божхона хизмати, ваколатли органлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари томонидан рухсат этувчи ҳужжатларни расмийлаштиришнинг босқичларини масофадан кузатиш;

барча учун очиқ бўлган электрон шаклдаги рухсат этувчи ҳужжатлар реестрларини (кейинги ўринларда — Реестрлар) юритишга тўлиқ ўтиш;

Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатлардаги эпизоотик, карантин ва фитосанитария ҳолатлари тўғрисидаги очиқ маълумотларни энг сўнгги кўрсаткичлар ҳолатида ушлаб туриш;

дастлабки маълумотлар асосида товарлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига амалда етиб келишига қадар рухсат берувчи характерга эга ҳужжатларни бериш.

2. «Ягона дарча» БАТнинг самарали ва тўлиқ фаолият юритиши, шунингдек, ваколатли органларнинг назорат пунктларидаги ишларини тизимли ёндашув ва доимий назорат асосида ташкил этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси (Азимов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Шодмонов), Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси (Норқобилов), Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (Кўчқоров), «Ўзстандарт» агентлиги (Сатторов) ва «Ўздавқарантин» инспекцияси (Эргашев) раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги кўрсатиб ўтилсин.

3. Ташқи иқтисодий фаолият жараёнларини такомиллаштириш чоратадбирларини амалга ошириш бўйича ишчи гуруҳи (кейинги ўринларда — Ишчи гуруҳи) иловага* мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

4. Ишчи гуруҳи 2019 йил 1 октябрга қадар бўлган муддатда божхона маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш, давлат назорати самарадорлигини ошириш, ТИФ иштирокчиларининг харажатларини қисқартириш соҳасида танқидий таҳлиллар ўтказсин ва таҳлиллар якунлари асосида Ташқи иқтисодий фаолият жараёнини такомиллаштириш бўйича концепция ва уни амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»ни тасдиқлаш учун киритсин. Бунда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилсин:

ҳаддан зиёд маъмурий тўсиқлар ва давлат органларининг бир-бирини такрорловчи функцияларини бекор қилиш;

ресурслар чекланганлиги шароитида давлат харажатларининг эришилган ёки кутилаётган самарага нисбатини инобатга олган ҳолда, хавф-хатарларни бошқаришнинг тўлақонли тизимини жорий этиш;

«божхона ҳудудида қайта ишлаш» божхона режимини кенг қўллаш;

божхона кўригида товарлар қадокларини бузиб очиш ҳолатларини қисқартириш.

5. Ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларидан қуйидагиларни талаб қилиб олиш тақиқлансин:

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

рухсат этувчи характерга эга хужжатларни беришда ва экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда — карантин остидаги маҳсулотларни экспорт ва импорт қилишда зарарсизлантириш (фумигация) далолатномасини; экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда — ўров варағини; импорт қилинаётган товарларга ваколатли органлар томонидан рухсат берувчи хужжатлар ва мувофиқлик сертификатларини беришда — Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига келганлик тўғрисида белги қўйилган товарларнинг кузатув хужжатларини (товар-транспорт юк хати, инвойс, ҳисоб-фактура ва бошқалар);

ваколатли органлар томонидан бериладиган хужжатларни олишда — ишончномаларни;

импорт товарларига мувофиқлик сертификатини беришда — норматив хужжат нусхаси, санитар-эпидемиологик хулоса нусхасини;

ваколатли органлар томонидан рухсат берувчи характерга эга хужжатларни беришда — ишлаб чиқарувчи мамлакат тўғрисида сертификатни;

2020 йил 1 январдан бошлаб товар ва транспорт воситаларининг божхона расмийлаштирувида, шунингдек, импорт қилинадиган товарларга мувофиқлик сертификатини беришда — халқаро шартномаларда махсус қоғоз бланкаларда расмийлаштиришни талаб қиладиган хужжатлардан ташқари, ваколатли органлар томонидан қоғоз шаклида бериладиган рухсат берувчи характерга эга хужжатларнинг асли ва нусхалари.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

ветеринария рухсатномаларини, фитосанитария ва ветеринария сертификатларини расмийлаштириш учун экспорт қилишдан 30 кун олдин ариза билан мурожаат қилиш зарурати тўғрисидаги талаб бекор қилинади;

карантин рухсати ва экологик сертификатини бериш муддати уларни олиш учун қонунчиликда назарда тутилган хужжатлар илова қилинган ҳолда ариза берилган кундан бошлаб 5 иш кунидан ошмаслиги керак;

товарлар ва транспорт воситалари, агар мазкур товарлар ва транспорт воситалари қонун хужжатларига мувофиқ фитосанитария ва ветеринария назоратига тегишли бўлмаса, уларни фитосанитария ва (ёки) ветеринария назоратидан ўтказиш тақиқланади;

транзит орқали Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ўтувчи карантин остидаги товарларни карантин текширувидан ўтказиш ҳақ олинмаган ҳолда амалга оширилади;

божхона юк декларацияси «сарик» йўлакдан «қизил» йўлакка ўтказилган ҳолда мазкур ўтказишни амалга оширган ходим томонидан божхона текширувини ўтказишга йўл қўйилмайди.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси:

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги билан биргаликда божхона постларида Ўзбекистон Республикасининг умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида оғир юк ташувчи ва йирик габаритли транспорт воситаларининг ўтиши учун тўловларни автоматик равишда ҳисоблашни амалга оширувчи тизимни яратсин ва унинг фаолият юритишини таъминласин;

божхона постлари орқали кесиб ўтиш вақти тўғрисидаги ҳар ойлик статистик маълумотни ҳар бир божхона пости кесимида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси расмий веб-сайтида эълон қилиш учун ҳар бир автотранспорт воситасининг кириш ва чиқиш вақтини автоматлаштирилган қайд этиш тизимини, шунингдек, юк транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктида божхона расмийлаштируви вақтини тақсимлаш имкониятини берадиган навбатларни бошқариш электрон тизимини жорий этиш орқали божхона постларида автотранспорт воситалари бўлиш вақтининг чекланган муддатини белгиласин;

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда «Ўздавкарantin» инспекцияси билан биргаликда товарларнинг алоҳида турлари учун мўлжалланган лаборатория ускуналари билан жиҳозланган ва энг оптимал манзилларда жойлаштирилган махсус ўтказиш пунктлари ва божхона постларини ташкил этиш масаласини ўрганиб чиқсин ва зарур ҳолларда уларнинг очилишини таъминласин;

уч ой муддатда Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари ва ваколатли органлар билан биргаликда чегара, божхона, санитария-карантин, фитосанитария ва ветеринария назоратидан ўтишнинг аниқ муддатларини (дақиқаларда) белгилашни, божхона пости худудига кириш ва чиқиш вақтини қайд этиш, шунингдек, бир-бирини такрорловчи назорат функцияларини бекор қилишни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида текширув тартиб-таомилларидан ўтиш регламентини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

товарларнинг божхона қийматини хатарларни бошқариш тизимининг хавф кўрсаткичлари қаторига киритсин, шунингдек, қонунга хилоф мақсадларда давлат божхона хизмати органлари мансабдор шахслари томонидан мезонларни манипуляция қилишга йўл қўймаслик бўйича аниқ чоралар кўрсин;

ваколатли органлар билан биргаликда муаммоли масалаларни ечиш учун ташқи иқтисодий фаолият жараёнларининг соддалаштирилиши бўйича кўрилатган чоралар ҳақида йилига икки марта Тариф ва нотариф тартибга солиш кенгашининг йиғилишларида ҳисобот тақдим этиб борсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда 2019 йил 15 июнга қадар назорат пунктлари ва ваколатли органларининг бошқа объектларини маълумотларни узатиш тармоғига улашни таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, «Ўздавкарantin» инспекцияси ва «Ўзстандарт» агентлиги маълумотларни узатиш тармоғига уланадиган назорат пунктлари ва ваколатли органларнинг бошқа объектлари дислокация-

си тўғрисидаги маълумотни бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига тақдим этсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва АТ «Халқ банки» харажатларни тўлиқ қоплашни таъминлаган ҳолда чегараолди божхона постларида кечаю кундуз ишлайдиган, тегишли органлар томонидан чегара постларида кўрсатилган хизматларга тўловларни амалга ошириш, валюта айирбошлаш, пул маблағларини нақд пулга алмаштириш ҳамда бошқа нақд ва нақдсиз ҳисоб-китоб банк операцияларини амалга ошириш имконини берадиган ўз-ўзига хизмат кўрсатиш терминалларини ташкил қилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси:

2019 йил 1 июнга қадар жорий этилаётган рухсатномалар бериш тартиби доирасида ҳар бир турдаги назорат қилинадиган товарни ўрганишнинг алоҳида муддатларини белгилаган ҳолда, назорат қилинадиган товарларни ветеринария нормалари ва талабларига мувофиқлигини аниқлашнинг мураккаблик даражасидан келиб чиқиб, таснифлашни назарда тутувчи ҳукумат қарори лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда мамлакатимиз ҳудудини юқумли касалликларни қўзғатувчилардан муҳофаза қилиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида автотранспорт воситаларини замонавий юқори самарали дезинфекция қилиш асбоб-ускуналарини босқичма-босқич ўрнатишни таъминласин.

12. «Ўздавқарантин» инспекцияси ва Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни назарда тутган ҳолда, карантинга олинган маҳсулотлар учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни беришда ушбу маҳсулотлар фитосанитария ҳолати ва эпизоотик вазиятини ўрганиш мақсадида мутахассисларни хорижий мамлакатларга юбориш заруратини аниқлаш мезонларини ва юбориш тартибини белгиланган тартибда тасдиқласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, «Ўздавқарантин» инспекцияси ва «Ўзстандарт» агентлиги уч ой муддатда «Ягона дарча» БАТ платформасида ваколатли органлар томонидан танлаб олиш асосида фитосанитария, санитария-эпидемиология, ветеринария ва экологик назорат ўтказиш имконини берадиган хавф-хатарларни таҳлил қилиш тизимини ишлаб чиқсин, шунингдек, рухсат этувчи ҳужжатлар дастлабки маълумотлардан фойдаланган ҳолда товарлар Ўзбекистон Республикасига амалда етиб келишига қадар берилишини амалга оширсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига маъмурий тар-

тиб-таомиллардан ўтиш қулайлиги ва давлат божхона органлари, шунингдек, уларнинг ходимлари томонидан хизматлар кўрсатишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этилиши, ходимларнинг профессионалиги ва тезкорлиги, уларнинг аҳоли билан муомала қилиш этикети даражасини мунтазам баҳолаб бориш учун «давлат хизматларининг сирли мижози» институтидан фойдаланган ҳолда чора-тадбирларни ташкил этиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, «Ўздав-карантин» инспекцияси ҳамда «Ўзстандарт» агентлиги қонунчилик ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш учун «давлат хизматларининг сирли мижози» мониторинги натижаларининг кўриб чиқилишини таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар, шу жумладан ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги маъмурий тартиб-таомилларни тубдан соддалаштириш ва муддатларини қисқартириш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.М. Фаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 23 апрель,
ПҚ-4297-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

333 Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумий ўрта таълим муассасаларида пуллик таълим хизматларини кўрсатиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги bosқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумий ўрта таълим муассасаларида пуллик таълим хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисида низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари А.А. Абдуҳақимов ва Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ш.Х. Шерматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 22 апрель,
343-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 23 апрелда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 22 апрелдаги 343-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
тизимидаги умумий ўрта таълим муассасаларида пуллик
таълим хизматларини кўрсатиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумий ўрта таълим муассасаларида (кейинги ўринларда мактаблар деб аталади) ўқувчилар учун ихтиёрийлик асосида ташкил этиладиган пуллик таълим хизматлари кўрсатиш тартибини белгилайди.

Пуллик таълим хизматлари зарур моддий-техника базаси ҳамда тегишли педагог ходимларга эга бўлган ёки тегишли мутахассис жалб қилинган ҳолда мактабларда ташкил қилиниши мумкин.

Бунда пуллик таълим хизматларини кўрсатиш ўқувчининг мактабларда ўқув дастури бўйича олиб бориладиган таълим-тарбия жараёнига халақит бермаслиги керак.

Мактабларида ўқувчилар учун ташкил этиладиган пуллик таълим хизматлари кўрсатиш ушбу Низомга 1-иловага* мувофиқ схема бўйича кўрсатилади.

2. Мактабларда ташкил этиладиган қўшимча таълим беришга қаратилган пуллик таълим хизматлари мактабларнинг ўқув дастурларида назарда тутилмаган (давлат таълим стандартларидан ташқари) машғулотлар бўйича мактаб директори ва ўқувчиларнинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар (кейинги ўринларда буюртмачи деб аталади) ўртасида ушбу Низомга 2-иловага* мувофиқ шаклда тузиладиган шартнома асосида кўрсатилади.

3. Мактабнинг ўқув дастурларида назарда тутилмаган (давлат таълим стандартларидан ташқари) машғулотлар бўйича пуллик таълим хизматлари кўрсатишга қаратилган йўналишлар (аниқ, ижтимоий-гуманитар, табиий фанлар, тўгараклар ва спорт секциялари) қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолда ташкил этилади.

4. Мактабларда ташкил этиладиган пуллик таълим хизматларига директор ва педагоглар томонидан ўқувчиларни мажбурий тартибда жалб этилишига йўл қўйилмайди.

**2-боб. Пуллик таълим хизматлари кўрсатишни
ташкил этиш**

5. Мактабларда пуллик таълим хизматлари кўрсатиш мактабларнинг

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

пуллик таълим хизматлари кўрсатишни ташкил этиш бўйича йиллик режаси (кейинги ўринларда йиллик режа деб аталади) асосида ташкил этилади.

6. Йиллик режа мактаблар томонидан ҳар календарь йили бошлангунга қадар ушбу Низомга 3-иловага* мувофиқ шаклда ишлаб чиқилади ва келишиш учун мактабнинг Кузатув кенгашига (кейинги ўринда Кузатув кенгаши деб аталади) киритилади.

Йиллик режада таълим хизматлар тури (қўшимча таълим бериш йўналишлари), машғулотларни ўтиш вақтлари, дарс соатлари миқдори, ҳар бир соат учун тўланадиган нарх миқдори (бунда кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига тўловлар умумий нарх миқдорининг 50 фоизи миқдоридан белгиланади), битта гуруҳда машғулотларда қатнашувчиларнинг сони (35 нафар ўқувчидан кўп бўлмаган миқдорда), йўналишлар бўйича ўқитувчи ёки мутахассис Ф.И.О., машғулот ўтиш жойи (синфлар) кўрсатилади.

Буюртмачиларнинг талабларига кўра, ўқувчиларга индивидуал тарзда машғулотлар ўтказилиши мумкин.

7. Кузатув кенгаши ҳар календарь йилнинг бошида ўтказиладиган биринчи йиғилишда мактаб томонидан тақдим этилган келгуси йил учун йиллик режани кўриб чиқади ва тасдиқлайди.

Йиллик режа Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайти ёки мактабларнинг расмий веб-сайтларига жойлаштирилади.

8. Мактабда пуллик таълим хизмат кўрсатишга, биринчи навбатда, шу мактабда фаолият юритаётган ўқитувчилар шартнома асосида жалб этилади.

Буюртмачилар томонидан келиб тушадиган маблағлар (лекин 50 фоиздан кам бўлмаган миқдори) ўқитувчиларга ҳақ тўлашга йўналтирилиши мумкин. Бунда қонунчиликда белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар мазкур суммадан чегириб олинади.

9. Таълим хизматлари нархлари Кузатув кенгаши билан келишилган ҳолда мактаб директори томонидан тасдиқланади.

10. Пуллик таълим хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги шартнома бўйича тўловлар белгиланган тартибда банклар орқали мактабнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тегишли ғазначилик бўлимларида очилган шахсий ғазначилик ҳисобварақларига нақд пул ёки пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Буюртмачи томонидан пул маблағларини нақд пул ёки пул ўтказиш йўли орқали тўланишидан қатъи назар, мактабда амалга оширилиши қатъиян тақиқланади.

11. Пуллик таълим хизматлари кўрсатишдан тушган маблағлар харажатлар тури бўйича шартнома асосида пуллик таълим хизматлари кўрсатиш мақсадида жалб этилган ўқитувчиларга тўланадиган тўловлар, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар, машғулотларни ташкил этиш учун моддий-

* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

техник таъминот харажатлари қоплангандан сўнг мактабнинг раҳбар ва педагог ходимларини моддий рағбатлантиришга ва бошқа харажатларга Кузатув кенгаши билан келишилган ҳолда йўналтирилади.

3-боб. Пуллик таълим хизматлари кўрсатишда томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

12. Пуллик таълим хизматлари кўрсатувчи мактаб:

пуллик таълим хизматлари кўрсатиш доирасида ўқув режаси ва дастурлари, мактаб ички қоидалари, тартиб ва талаблари, машғулот жараёнида ўқув интизомига риоя этишини, ўқитувчиларга ҳурматда бўлиш ҳамда мактаб мулкани ҳимоя қилишни талаб қилиш;

бюртмачидан шартномада белгиланган тўловларни ўз вақтида тўлашни талаб қилиш ва ушбу талаб бажарилмаса, ўқувчини пуллик таълим хизматлари бўйича машғулотлардан четлаштириш ҳуқуқига эга.

Пуллик таълим хизматлари кўрсатувчи мактаб қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

13. Пуллик таълим хизматлари кўрсатувчи мактаб:

машғулотларни мактабдан ташқари давлат таълим стандарти, пуллик таълим хизматлари кўрсатиш доирасида ўқув режаси ва дастурларига мувофиқ ташкил этишга;

машғулотлар жараёнларига малакали ўқитувчиларни жалб этиш, илғор таълим технологияларини, замонавий компьютер ва ахборот-коммуникация технологиялари ва воситаларини жорий этишга;

ўқувчида билим олиш салоҳиятини шакллантириш мақсадида ўқув режасига қўшимча равишда турли интерактив дарслар ташкил этишга;

машғулотларда ўқувчига мактабнинг мавжуд ўқув-услугий, ахборот-ресурс ва моддий-техника базасига мувофиқ ўқиш учун барча зарур шарт-шароитларни яратишга;

машғулотлар учун белгиланган тўлов миқдори тўғрисидаги маълумотни ўз вақтида (ўқув жараёни бошланишидан 10 кун олдин) бюртмачиларга етказиш ва уларни белгиланган тартибда кўрсатиладиган пуллик таълим хизматлари шартлари билан таништиришга мажбур.

Пуллик таълим хизматлари кўрсатувчи мактаб қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.

14. Бюртмачи:

кўрсатиладиган пуллик таълим хизматлари, шу жумладан ўқув режалари ва дастурлари, ўқувчиларни баҳолаш тартиби ва мезонлари билан танишиш;

тузилган шартномага мувофиқ мактабдан ўқувчининг танлаган таълим йўналиши бўйича пуллик таълим хизматлари кўрсатишни талаб қилиш, тегишли ўқитувчилардан маслаҳатлар сўраш ҳуқуқига эга.

Бюртмачи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

15. Буюртмачи:

кўрсатилаётган пуллик таълим хизматларининг бир календарь оyi учун белгиланган тўлов миқдорини шартнома талабларига мувофиқ тўлиқ ҳажмда ва ўз вақтида тўлаш, тўлов ҳужжати нусхасини эса машғулотлар бошланишидан олдин мактаб маъмуриятига тақдим этишга;

шартнома талабларига сўзсиз амал қилиш мақсадида ва шартномада кўрсатилган қўшимча таълим ва бошқа хизматлардан фойдаланиш учун ўқувчининг дарсларга мунтазам равишда қатнашишини таъминлашга;

ўқувчи томонидан мактабининг мулкига етказилган моддий зарарни қоплашга мажбур.

Буюртмачи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

16. Кузатув кенгаши мунтазам (бир йилда камида 2 марта) ўқувчилар ва буюртмачилар ўртасида мактаб томонидан кўрсатилаётган пуллик таълим хизматлари сифатини аниқлаш мақсадида ушбу Низомга 4-иловага* мувофиқ сўровнома ўтказиб боради.

17. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва бошқа ваколатли давлат органлари мактабларда пуллик таълим хизматларининг ташкил этилиши ва тушган маблағлар юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда назорат олиб боради.

18. Ушбу Низом юзасидан келиб чиқадиган низоли масалалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

* 4-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**334** Мактабгача ҳамда умумтаълим муассасалари фаолиятини текшириш ишларини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 5 сентябрдаги ПФ–5538-сон Фармонида ҳамда «Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 30 сентябрдаги ПҚ–3955-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қўйидагилар:

Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини текшириш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Умумтаълим муассасалари фаолиятини текшириш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Мактабгача ҳамда умумтаълим муассасалари фаолиятини текшириш ваколатига эга бўлган давлат органлари ва ташкилотлари рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирадилар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари А.А. Абдухакимов, мактабгача таълим вазири А.В. Шин, халқ таълими вазири Ш.Х. Шерматов ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи У.Н. Ташкенбаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 25 апрель,
352-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 26 апрелда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 25 апрелдаги 352-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини
текшириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом давлат мактабгача таълим муассасалари (кейинги ўринларда мактабгача таълим муассасаси деб аталади) фаолиятини текшириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом талаблари:

а) қуйидаги давлат органлари ва ташкилотлари:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари ва халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) Кенгашлари депутатлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси;

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бошқармалари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари;

тизимида мактабгача таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмалари (ўз бўйсунувидаги мактабгача таълим муассасаларини текширишлар бўйича) фаолияти доирасида;

б) «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни доирасида;

в) «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни доирасида;

г) терговга қадар текширувлар ҳамда қўзғатилган жиноят ишлари ва маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ишлар доирасида;

д) мактабгача таълим соҳасида нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларнинг фаолиятини текшириш доирасида ўтказиладиган текширишларга нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

текширишга ваколатли органлар — мактабгача таълим муассасалари фаолиятини давлат томонидан назорат қилишга қонун ҳужжатлари билан ваколат берилган вазирликлар ва идоралар ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмалари;

текшириш — мактабгача таълим муассасалари томонидан қонунлар

ҳамда улар фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари қандай бажарилаётганлигини текширишга ваколатли органларнинг бир марта назорат қилиши;

режали текшириш — тизимида мактабгача таълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идоралар ёки уларнинг тегишли ҳудудий бўлинмалари билан келишган ҳолда тасдиқланган текширишлар режа-жадвалига асосан ўтказиладиган текшириш;

режадан ташқари текшириш — тизимида мактабгача таълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идоралар ёки уларнинг тегишли ҳудудий бўлинмалари билан келишган ҳолда тасдиқланган текширишлар режа-жадвалида белгиланмаган ҳолда ўтказиладиган текшириш;

назорат тартибда текшириш — мактабгача таълим муассасаларининг илгариги текширишда кўрсатилган қонун бузилишларини бартараф этиши устидан текширишга ваколатли органлар томонидан амалга оширадиган текшириш.

2-боб. Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини текширишнинг мақсад ва вазифалари

4. Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини текширишнинг мақсади мактабгача таълим бўйича ягона давлат сиёсатини амалга оширишда мактабгача таълим муассасаларининг роли ва масъулиятини кучайтириш, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ривожланишига қўйиладиган давлат талабларига мувофиқ сифатли таълим-тарбия берилишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, мактабгача таълим муассасаларидаги ижро интизомини мустаҳкамлаш, педагоглар ва бошқа ходимларнинг касбий фаолиятига асосиз равишда аралашувга чек қўйиш, назорат қилувчи ва бошқа давлат органлари томонидан таълим-тарбия сифатига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ва бартараф этишдан иборат.

5. Қуйидагилар мактабгача таълим муассасалари фаолиятини текширишнинг вазифалари ҳисобланади:

мактабгача таълим муассасаларидаги таълим-тарбия жараёнининг сифатини, педагогларнинг билим даражасини ва педагогик маҳоратини оширишга кўмаклашиш;

қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатларини чуқур таҳлил қилиш ва уларни содир этиш шарт-шароитларини бартараф қилиш бўйича аниқ чоратадбирларни ишлаб чиқиш;

амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси ўз вақтида ва сифатли таъминланишини ташкил этиш;

мактабгача таълим муассасалари фаолиятида кам самарали тафтишларни қисқартириш билан бир вақтда тўлақонли текширишлар самарадорлигини ошириш;

мактабгача таълим муассасалари фаолиятидаги очиқлик, шаффофлик ва ҳисобдорликни таъминлаш, таълим-тарбия жараёни устидан самарали давлат назоратини ўрнатиш;

мактабгача таълим муассасалари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш;

давлат органлари ва ташкилотларининг мактабгача таълим муассасалари фаолияти билан боғлиқ вазифалари, функциялари ва ваколатларини аниқ белгилаш ва тартибга солиш.

3-боб. Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини текширишга ваколатли давлат органлари

6. Мактабгача таълим муассасаларида:

тарбияланувчиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш масалалари бўйича текшириш — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи махсус бўлинмалари томонидан;

ёнғин хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига амал қилинишини ўрганиш, ёнғинларнинг олдини олиш ҳамда уларни ўчиришга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий ва илмий-техник чора-тадбирларни амалга ошириш масалалари бўйича текшириш — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан;

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига амал қилинишини ўрганиш, санитария-гигиена тадбирларини ва эпидемияга қарши тадбирларни амалга ошириш, педагог ходимлар ва тарбияланувчиларнинг санитария маданияти даражасини ошириш, давлат санитария назоратини амалга ошириш масалалари бўйича текшириш — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология назорати республика маркази ва ҳудудий давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари томонидан;

меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинишини ўрганиш, ходимнинг ҳаёти ва соғлиғи устуворлигини таъминлаш, меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши устидан назорат ва текширувни амалга ошириш, ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари бўйича текшириш — Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бандликка кўмаклашиш ва аҳолини иш билан таъминлаш марказлари томонидан;

аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинишини ўрганиш, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ва зарарини камайтириш юзасидан чораларни амалга ошириш, фавқулодда вазиятлар шароитида ҳаракат қилишга тайёр бўлишни ташкил этиш, фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тадбирлари бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш масалалари бўйича текшириш — Ўзбе-

кистон Республикаси Фавкуллда вазиятлар вазирлиги ва унинг тегишли ҳудудий бўлинмалари томонидан;

ер, ер ости бойликлари, сув, дарахтлар ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан давлат экологик назоратини ўрнатиш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишларини мувофиқлаштириш борасида ягона сиёсатни амалга ошириш, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш, педагоглар ва тарбияланувчиларнинг экологик маданиятини ошириш масалалари бўйича текшириш — Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг тегишли ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

4-боб. Мактабгача таълим муассасаси фаолиятини текшириш муддатлари ва текширишни тайинлаш мезонлари

7. Мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини текшириш қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

- режали текшириш;
- режадан ташқари текшириш;
- назорат тартибида текшириш.

8. Мактабгача таълим муассасаларида режали текширишларни ўтказиш текширишга ваколатли органлар билан тегишлилиги бўйича тизимида мактабгача таълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идоралар ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан қўшма тасдиқланадиган текширишларнинг йиллик режа-жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

9. Текширишга ваколатли органлар ёки уларнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан текшириш режалаштирилаётган йилдан олдинги йилнинг 1 декабригача бўлган муддатда мактабгача таълим муассасаларини йиллик текширишларнинг режа-жадвали лойиҳаси мактабгача таълим муассасалари рўйхати, уларнинг манзили, тўлиқ номи, режали текшириш даврийлигини аниқ кўрсатган ҳолда тегишлилиги бўйича тизимида мактабгача таълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идоралар ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмаларига кўриб чиқиш ва келишиш учун тақдим этилади.

Кейинги йил учун текширишларнинг йиллик режа-жадвали тегишлилиги бўйича текширишга ваколатли органларнинг марказий аппарати билан тизимида мактабгача таълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идораларнинг марказий аппарати ҳамда текширишга ваколатли органларнинг ҳудудий бўлинмалари билан тизимида мактабгача таълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идораларнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ҳар йили 15 декабрга қадар тасдиқланади. Тасдиқланган йиллик режа-жадвалларнинг нусхалари тегишлилиги бўйича мактабгача таълим муассасаларига ҳар йили 25 декабрга қадар етказиб берилади.

Агар текширишларнинг йиллик режа-жадвали тизимида мактабгача таълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идоралар ҳамда уларнинг ҳуду-

дий бўлинмалари томонидан белгиланган муддатларда асоссиз равишда тасдиқлашдан бош тортилса, текширишга ваколатли органлар ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмалари йиллик текширишларнинг режа-жадвали лойиҳасига мувофиқ текширувни амалга оширишга ҳақли.

10. Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини текшириш даврийлиги учун белгиланган муддатда бир мартадан ортиқ режали текшириш ўтказилишига йўл қўйилмайди.

Янги ташкил этилган мактабгача таълим муассасаларида дастлабки икки йил мобайнида режали текширишлар ўтказилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

11. Тасдиқланган текширишлар режа-жадвалига текширишга ваколатли органлар билан тегишлилиги бўйича тизимида мактабгача таълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идоралар ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан келишилган ҳолда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

12. Текширишлар режа-жадвали лойиҳаси:

тизимида мактабгача таълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идораларга — текширишга ваколатли органларнинг марказий аппарати томонидан;

тизимида мактабгача таълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идораларнинг ҳудудий бўлинмаларига — текширишга ваколатли органларнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан тақдим этилади.

Белгиланган муддатдан кейин тақдим этилган таклифлар тегишлилиги бўйича тизимида мактабгача таълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идоралар ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан кўриб чиқилмайди.

13. Қўйидаги ҳолларда мактабгача таълим муассасалари йиллик текширишлар режа-жадвалига киритилмайди:

мактабгача таълим муассасаси фаолиятини текшириш учун белгиланган муддатлар инобатга олинмаган бўлса;

мактабгача таълим муассасаси фаолиятини текширишларнинг йиллик режа-жадвалини шакллантиришнинг қоидалари бузилган бўлса;

мактабгача таълим муассасалари тугатилган ёки тугатиш жараёнида бўлса;

мактабгача таълим муассасаларининг режа-жадвалга киритилиши қонун ҳужжатларига зид бўлса.

14. Тасдиқланган йиллик текширишлар режа-жадвали текширишга ваколатли органлар, тизимида мактабгача таълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идоралар ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмаларининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтларига жойлаштирилади.

15. Режадан ташқари текширишлар текширишга ваколатли органлар томонидан:

мактабгача таълим муассасаси тугатилаётганида;

тизимида мактабгача таълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идоралар ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмалари тизимидаги мактабгача таълим

муассасаси фаолиятини текширишни сўраб текширишга ваколатли органга мурожаат этган тақдирда;

мактабгача таълим муассасаси фаолиятига оид қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг топшириқлари ҳамда давлат дастурларида белгиланган вазифаларнинг ўз муддатида ва сифатли ижро этилишини тезкор ўрганиш талаб этилганда;

инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишининг, фавқулодда вазиятлар юзага келишининг олдини олиш, педагог ходимлар ва тарбияланувчилар ҳаёти ва соғлиғи учун хавfli омилларнинг пайдо бўлиши, санитария-эпидемиологик вазият мураккаблашиши, шунингдек, бошқа мамлакатлардан юқумли касалликлар кириб келиши ва тарқалиши эҳтимоли мавжуд бўлганда;

бўш иш ўринлари мавжудлиги ва ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳоли қатламлари учун махсус иш ўринлари захира қилинганлиги, мажбурий меҳнатнинг олдини олиш, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилиши, шу жумладан, бахтсиз ҳодисаларни текшириш, ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини ўрганиш мақсадида;

мактабгача таълим муассасалари фаолияти самарадорлигига ва таълим сифатига салбий таъсир қилиши мумкин бўлган камчиликлар мавжудлиги аниқланганда ёки мактабгача таълим муассасаларининг эришган ютуқлари олдин эришилган ютуқларидан паст бўлган тақдирда;

текширишга ваколатли органнинг мансабдор шахси маъмурий вазифаларни амалга ошираётганида мактабгача таълим муассасаси томонидан қонун ҳужжатлари талаблари бузилганлиги аниқланганда;

оммавий ахборот воситалари ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги манбаларда мактабгача таълим муассасалари фаолиятига доир қоидабузарликлар тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинганда;

мактабгача таълим муассасаларида ташкилий-бошқарув, ўқув-методик, маънавий ва молиявий жиҳатдан жиддий нуқсонлар мавжудлиги тўғрисида ишончли маълумот бўлганда амалга оширилади.

16. Текширишга ваколатли органлар томонидан мактабгача таълим муассасалари фаолиятини режали ва режадан ташқари текширишлар муддати 10 кундан ошмаслиги керак.

17. Назорат тартибидаги текширишларни ўтказиш текширишга ваколатли органлар томонидан фақат уларнинг ўзлари илгари ўтказган текшириш натижалари тўғрисидаги далолатномада (маълумотномада) белгиланган ҳолатлар бўйича ва муддатларда ёки тизимида мактабгача таълим муассасаси бўлган вазирлик ва идоралар ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмалари мурожаатига асосан ундан олдинроқ муддатларда, текширишга ваколатли органнинг буйруғи асосида тегишлилиги бўйича тизимида мактабгача таълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идоралар ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмаларини камида 10 календарь кун олдин ёзма равишда хабардор қилган ҳолда 5 календарь кундан ошмаган муддатда амалга оширилади.

18. Илгари ўтказилган текшириш натижалари тўғрисидаги далолатномада (маълумотномада) муддат кўрсатилмаган бўлса, назорат тартибида ўтказиладиган текширишлар илгари текшириш ўтказилган санадан бошлаб олти ойдан ошиб кетиши мумкин эмас.

Мактабгача таълим муассасаси томонидан назорат тартибида текширишлар ўтказишга тўсқинлик қилиниши мумкин эмас.

5-боб. Текширишларни ўтказиш тартиби

19. Режали текширишни ўтказиш учун қуйидагилар асос бўлади: текширишлар режа-жадвалидан кўчирма; текширишга ваколатли органнинг текшириш ўтказиш тўғрисидаги буйруғи;

текшириш дастури ёки саволномасидан нусха.

20. Режадан ташқари текширишни ўтказиш учун қуйидагилар асос бўлади:

текширишга ваколатли органнинг текшириш ўтказиш тўғрисидаги буйруғи;

текшириш дастури ёки саволномасидан нусха.

21. Мактабгача таълим муассасаси фаолиятини режали текшириш тартиби ушбу Низомнинг 1-илоvasида* келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

22. Текширишга ваколатли органлар томонидан режали текшириш ўтказилишидан камида 10 кун олдин тегишлилиги бўйича тизимида мактабгача таълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идоралар ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмаларига текшириш ўтказиш тўғрисидаги буйруқ, текшириш дастури ёки саволномаси илова қилинган расмий хат юборилади.

Тизимида мактабгача таълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идоралар ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан режали текшириш ўтказиш ҳақидаги расмий хат олинган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай ўз тизимидаги мактабгача таълим муассасаларига ёзма хат ёки ички электрон ҳужжатлар айланиши тизими орқали хабар берилади ҳамда текшириш ўтказиш тўғрисидаги буйруқ, текшириш дастури ёки саволнома юборилади.

23. Текширишга ваколатли органлар буйруқ асосида текширишларни амалга оширишни ўзларининг ҳудудий бўлинмаларига топширишга ҳақли. Текширишга уларнинг бошқа ҳудудий бўлинмалари ходимлари, мутахассислар, экспертлар ва аудиторлик ташкилотлари ҳам жалб этилиши мумкин.

Мактабгача таълим муассасаларининг юридик шахс мақомига эга бўлмаган филиаллари фаолиятини текширишлар улар таркибига кирадиган мактабгача таълим муассасаларида ўтказиладиган текширишлар доирасида амалга оширилади, режадан ташқари текширишлар бундан мустасно.

24. Текширишни амалга оширишдан олдин текширишга ваколатли орган томонидан текшириш ўтказиш тўғрисида буйруқ қабул қилинади.

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Текширишга ваколатли органнинг текшириш ўтказиш тўғрисидаги буйруғида текшириладиган мактабгача таълим муассасаси номи, текшириш мақсади, текширувчи мансабдор шахслар таркиби, текшириладиган давр, текшириш ўтказиш муддати ва текшириш ўтказиш учун асос бўлган ҳужжат номи, рақами ва санаси кўрсатилади ҳамда текшириш дастури ёки саволномаси илова қилинади.

Текшириш жараёнида текширишга ваколатли органнинг ваколатлари ва текшириш дастури ёки саволномасида белгиланган масалалар доирасидан четга чиқилмайди.

25. Текширишга ваколатли органнинг масъул ходимлари текшириш бошланишидан олдин мактабгача таълим муассасаси раҳбарини (раҳбар бўлмаган тақдирда унинг вазифасини бажарувчи шахсни) текшириш мақсади билан таништиради, унга ўз хизмат гувоҳномаси ва текширишни ўтказишга асос бўладиган ҳужжатларнинг (текширишлар режа-жадвалидан кўчирма, текширишга ваколатли органнинг текшириш ўтказиш тўғрисидаги буйруғи ва текшириш дастури ёки саволномаси) нусхаларини топширади.

26. Текшириш ўтказиш учун асос бўлган ҳужжатлар нусхаси текшириладиган мактабгача таълим муассасасига тилхат олинган ҳолда топширилган пайт текшириш бошланган пайт ҳисобланади.

Текшириладиган мактабгача таълим муассасасининг мазкур ҳужжатларни олишдан бош тортганлиги текширишни бекор қилиш учун асос бўлмайди.

Текшириладиган мактабгача таълим муассасаси ушбу ҳужжатларни олишдан бош тортган тақдирда, текширишга ваколатли органнинг мансабдор шахси томонидан унинг ўзи ва текшириладиган мактабгача таълим муассасаси раҳбари (раҳбар бўлмаган тақдирда унинг вазифасини бажарувчи шахс) имзолайдиган далолатнома тузилади. Ушбу далолатномани мактабгача таълим муассасаси раҳбари (раҳбар бўлмаган тақдирда унинг вазифасини бажарувчи шахс) имзолашдан бош тортганда, далолатномага текширишга ваколатли органнинг масъул ходими томонидан тегишли ёзув киритилади. Бу ҳолда далолатнома имзоланган пайт текшириш бошланган пайт ҳисобланади.

27. Текширишга ваколатли органнинг масъул ходимлари мактабгача таълим муассасаси томонидан тақдим этилган ушбу Низомнинг 2-иловасига* мувофиқ шаклдаги Текширишларни рўйхатга олиш дафтарини тўлдириши шарт.

Техник имконият мавжуд бўлганда мажбурий тартибда Текширишларни рўйхатга олиш дафтарининг электрон шакли тўлдирилади. Бунда дафтарнинг қоғоз шаклини тўлдириш талаб этилмайди.

28. Текшириш натижалари тўғрисидаги далолатномага (маълумотномага) Текширишларни рўйхатга олиш дафтарининг тўлдирилган шакли (қоғоз шакли тўлдирилганда — электрон шакли тўлдирилмаганлиги сабаби) ёки дафтар тақдим этилмаганда — унинг тақдим этилмаганлиги тўғрисида текширишга ваколатли органнинг масъул ходими томонидан тегишли ёзув киритилади.

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

29. Текширишга ваколатли органнинг масъул ходимлари Текширишларни рўйхатга олиш дафтарини тўлдиришдан бош тортган тақдирда, мактабгача таълим муассасасида текшириш ўтказилишига йўл қўйилмайди.

30. Текширишга ваколатли орган томонидан илгари текширилган масалалар бўйича қайта текшириш ҳамда бир йилда бир мартадан ортиқ назорат тартибдаги текширишлар ўтказилмайди.

31. Текширишни белгиланган муддатда ўтказиш имкони бўлмаган ҳолларда, жумладан, текширишда иштирок этиши лозим бўлган шахс иштирок эта олмаган, текшириш ўтказиш учун талаб қилинган ҳужжатлар мактабгача таълим муассасаси томонидан тақдим этилмаган ёки зарур мутахассислар мавжуд бўлмаган тақдирда, текширишга ваколатли органнинг бўйруғи асосида текшириш тўхтатилиб, белгиланган тартибда бошқа вақтга қўчирилиши мумкин.

32. Муддати қўчирилган текширишни ўтказиш текшириш тўхтатилган ойдан кейинги ойнинг сўнги кунидан кечиктирмасдан таъминланиши лозим.

33. Текширишлар натижалари камида икки нусхада тузиладиган далолатнома (маълумотнома) билан расмийлаштирилади.

Мактабгача таълим муассасаларини текшириш натижалари тўғрисидаги далолатнома (маълумотнома) туман (шаҳар) ёки Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар миқёсида умумлаштирилиши мумкин.

34. Бир кун муддатда ўтказиладиган текшириш натижалари тўғрисидаги далолатнома (маълумотнома) текшириш ўтказилган кунда, муддати бир кундан ортиқ бўлган текшириш бўйича эса текшириш муддатининг охиригидан кечиктирмасдан расмийлаштирилиши шарт.

35. Текшириш натижалари тўғрисидаги далолатноманинг (маълумотноманинг) нусхалари текширишга ваколатли органнинг текшириш ўтказиётган масъул ходимлари ва мактабгача таълим муассасаси раҳбари (раҳбар бўлмаган тақдирда унинг вазифасини бажарувчи шахс) ёки тегишлилиги бўйича тизимида мактабгача таълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идоралар ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмалари вакили томонидан имзоланади. Текшириш натижалари тўғрисидаги далолатноманинг (маълумотноманинг) бир нусхаси мактабгача таълим муассасаси раҳбарига (раҳбар бўлмаган тақдирда унинг вазифасини бажарувчи шахсга) ёки тегишлилиги бўйича тизимида мактабгача таълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идоралар ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмалари вакилига уни олган санани кўрсатган ҳолда имзо қўйдириб топширилади ва шу пайтдан эътиборан текшириш тугаган ҳисобланади.

Текширилган мактабгача таълим муассасаси ўтказилган текшириш натижаси бўйича ўз эътирозларини далолатномада (маълумотномада) ёзма равишда акс эттириши мумкин.

Текшириладиган мактабгача таълим муассасаси вакили текшириш натижалари тўғрисидаги далолатномани (маълумотномани) олишдан ва (ёки) уни имзолашдан бош тортганда, текширишга ваколатли органнинг масъул

ходими бу ҳақда текшириш натижалари тўғрисидаги далолатномага (маълумотномага) тегишли ёзув киритади ва шу пайтдан эътиборан текшириш тугаган ҳисобланади.

Бундай ҳолатда текшириш натижалари тўғрисидаги далолатноманинг (маълумотноманинг) нусхаси бир иш куни давомида мактабгача таълим муассасасига ёки тегишлилиги бўйича тизимида мактабгача таълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идоралар ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмаларига почта орқали буюртма хат билан юборилади.

Текшириш натижалари тўғрисидаги далолатнома (маълумотнома) текширишга ваколатли орган томонидан белгиланган тартибда рўйхатга олиб борилади.

36. Текшириш натижалари тўғрисидаги далолатномада (маълумотномада) қуйидагилар ўз аксини топади:

текшириш жараёнида аниқланган камчиликлар ва умумий хулоса;

аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари ва уларнинг муддати;

текшириш жараёнида аниқланган қонун ва қоида бузилиши ҳолатларига нисбатан қонунчиликда белгиланган таъсир чоралари.

37. Текшириш натижалари тўғрисидаги далолатнома (маълумотнома) нусхаси текширишга ваколатли органлар томонидан тегишлилиги бўйича: тизимида мактабгача таълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идоралар ёки уларнинг ҳудудий бўлинмаларига;

ҳудудий ҳокимликларга ёки комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича тегишли секторларга киритилиши мумкин.

Улар ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича текшириш натижалари тўғрисидаги далолатномада (маълумотномада) кўрсатилган камчиликларни зудлик билан бартараф этиш чораларини кўришлари лозим.

Текшириш жараёнида ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланган тақдирда, бу ҳақидаги маълумотлар текшириш натижалари тўғрисидаги далолатномага (маълумотномага) киритилиб, унинг бир нусхаси далолатнома (маълумотнома) имзоланган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай текширишга ваколатли органлар томонидан мажбурий тартибда тегишлилиги бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилади.

38. Текшириш ўтказиш вақтида мактабгача таълим муассасалари адвокат хизматидан фойдаланиши мумкин.

39. Текширишга ваколатли органлар асосли сабабларга кўра текшириш ўтказиш имкони бўлмаган ёки зарурати қолмаган (тугатирилганлиги сабабли молия-хўжалик фаолияти юзасидан яқуний текшириш ўтказилган, жиноят иши юзасидан текширилган, бошқа муассасага қўшилган, фаолият юритмаётган, текшириш даврида текшириладиган объект мавжуд бўлмаган ва ҳоказо) мактабгача таълим муассасаларини текширишлар режа-жадвалидан чиқариш тўғрисида тегишлилиги бўйича тизимида мактабгача таълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идоралар ёки уларнинг ҳудудий бўлинмаларига таклиф киритиб борадилар.

40. Ўтказилган текшириш натижаларидан норози бўлган мактабгача

таълим муассасалари низоли масалаларга аниқлик киритиш учун текширишга ваколатли органларнинг юқори ташкилотларига, судга ёки прокуратура органларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Мактабгача таълим муассасалари низоли масалаларга аниқлик киритиш учун текширишга ваколатли органларнинг юқори ташкилотларига мурожаат этган тақдирда, текширишга ваколатли органлар тегишлилиги бўйича тизимида мактабгача таълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идоралар ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмалари билан қўшимча равишда келишмасдан, фақат мактабгача таълим муассасаларининг мурожаатларида кўрсатилган низоли масалалар юзасидан аниқлик киритадилар.

6-боб. Текшириш жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

41. Текширишга ваколатли органлар мактабгача таълим муассасалари фаолиятини текшириш жараёнида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

мактабгача таълим муассасаларидан текширишни самарали ўтказиш билан боғлиқ зарур ҳужжатлар ва бошқа ахборотларни талаб қилиш;

текшириш жараёни билан боғлиқ зарур ҳужжатлардан нусха олиш;

ваколатлари доирасида мактабгача таълим муассасаларида аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

тизимида мактабгача таълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идоралар ёки уларнинг тегишли ҳудудий бўлинмаларига ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга текшириш жараёнида аниқланган ҳуқуқбузарликларга йўл қўйган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалани киритиш;

текшириш жараёнига тегишли мутахассислар, экспертлар ва аудиторлик ташкилотларини шартнома асосида жалб этиш;

ушбу Низомнинг 31-бандда назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда, текширишларнинг муддатини кўчириш тўғрисида таклиф киритиш.

Текширишга ваколатли органлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

42. Текширишга ваколатли органлар мактабгача таълим муассасалари фаолиятини текшириш жараёнида қуйидагиларга мажбур:

мактабгача таълим муассасаларига текшириш ўтказиш ҳуқуқини берувчи зарур ҳужжатларни тақдим этиш;

мактабгача таълим муассасаларидаги таълим-тарбия жараёнларига ҳалақит бермаслик;

Текширишларни рўйхатга олиш дафтарини белгиланган тартибда тўлдириш;

текширишлар натижалари тўғрисида далолатнома (маълумотнома) расмийлаштириш, унинг бир нусхасини текшириш тугаган куни мактабгача таълим муассасасида қолдириш;

текшириш жараёнида аниқланган қоидабузарлик ҳолатлари ҳақида

тегишлилиги бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ҳамда юқори турувчи органларга хабар бериш.

Текширишга ваколатли органларга қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

43. Мактабгача таълим муассасалари текшириш жараёнида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

фаолияти режали текширилиши тўғрисидаги маълумотга эга бўлиш;

текширишга ваколатли органларнинг масъул шахсларидан уларнинг хизмат гувоҳномаси ва текширишни ўтказишга асос бўладиган ҳужжатларни талаб қилиш;

текширишни ўтказишга асос бўладиган ҳужжатларга эга бўлмаган шахсларнинг текшириш ўтказишига йўл қўймаслик;

текширишга ваколатли органлар масъул шахсларининг ваколатига кирмайдиган масалаларга оид талабларини бажармаслик ва текшириш предметига тааллуқли бўлмаган материалларни тақдим этмаслик;

текшириш тугаган куни текширишга ваколатли органларнинг масъул шахсларидан текшириш натижалари тўғрисидаги далолатноманинг (маълумотноманинг) нусхасини беришни талаб қилиш;

текширишга асос бўладиган ҳужжатларни тақдим этмаганлик, текшириш натижалари тўғрисидаги далолатнома (маълумотнома) мазмуни ва текширувчилар томонидан текширишга алоқадор бўлмаган ҳар қандай қўшимча кўрсатмалар бериш юзасидан юқори турувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судга шикоят қилиш.

Мактабгача таълим муассасалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

44. Мактабгача таълим муассасалари текшириш жараёнида қуйидагиларга мажбур:

текшириш ўтказиш ҳуқуқини берувчи зарур ҳужжатларга эга бўлган текширишга ваколатли органларни мактабгача таълим муассасаси ҳудуди-га киритиш;

текширишга ваколатли органларнинг қонуний талабига биноан текшириш ўтказиш билан боғлиқ зарур ҳужжатлар ва бошқа ахборотларни ўз вақтида тақдим этиш;

текшириш жараёнига халақит бермаслик, текширишга ваколатли органлар томонидан текширишни самарали ўтказиш учун шарт-шароитлар яратиш;

текшириш натижалари тўғрисидаги далолатномада (маълумотномада) кўрсатилган қоидабузарлик ҳолатларини ўз вақтида бартараф этиш чораларини кўриш.

Мактабгача таълим муассасаларига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

7-боб. Яқунловчи қоидалар

45. Текширишга ваколатли органларнинг раҳбарлари мактабгача таълим муассасаларида текшириш ўтказишга асос бўладиган ҳужжатларнинг

ишончилиги ҳамда текширишга ваколатли органлар масъул шахсларининг ўз ваколатлари доирасидан чиқмаслиги учун жавобгар ҳисобланади.

46. Текширишга ваколатли органлар томонидан текширишлар ушбу Низом ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ўтказилганлиги тегишлилиги бўйича тизимида мактабгача таълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идоралар ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан доимий равишда мониторинг олиб борилади.

Текширишлар бўйича мониторинг мактабгача таълим муассасаларида ўтказилган режали, режадан ташқари ва назорат тартибида ўтказилган текширишларнинг алоҳида равишда ҳисобини юритиш, текширишлар давомида аниқланган камчиликларни таҳлил қилиш ва уларни бартараф этиш чора-тадбирларини белгилаш орқали амалга оширилади.

Мактабгача таълим муассасаларида ноқонуний текшириш ўтказган ёки текшириш жараёнида ўз ваколати доирасидан чиққан текширишга ваколатли органларнинг ходимлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

47. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 25 апрелдаги 352-сон қарорига
2-ИЛОВА

Умумтаълим муассасалари фаолиятини текшириш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом давлат умумтаълим муассасалари (кейинги ўринларда умумтаълим муассасаси деб аталади) фаолиятини текшириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом талаблари:

а) қуйидаги давлат органлари ва ташкилотлари:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари ва халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) Кенгашлари депутатлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси;

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бошқармалари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим

сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари;

тизимида умумтаълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмалари (ўз бўйсунувидаги умумтаълим муассасаларини текширишлар бўйича) фаолияти доирасида;

б) «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни доирасида;

в) «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни доирасида;

г) терговга қадар текширувлар ҳамда қўзғатилган жиноят ишлари ва маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ишлар доирасида;

д) умумий ўрта таълим соҳасида нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларнинг фаолиятини текшириш доирасида ўтказиладиган текширишларга нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

текширишга ваколатли органлар — умумтаълим муассасалари фаолиятини давлат томонидан назорат қилишга қонун ҳужжатлари билан ваколат берилган вазирликлар ва идоралар ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмалари;

текшириш — умумтаълим муассасалари томонидан қонунлар ҳамда улар фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари қандай бажарилаётганлигини текширишга ваколатли органларнинг бир марта назорат қилиши;

режали текшириш — тизимида умумтаълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идоралар ёки уларнинг тегишли ҳудудий бўлинмалари билан келишган ҳолда тасдиқланган текширишлар режа-жадвалига асосан ўтказиладиган текшириш;

режадан ташқари текшириш — тизимида умумтаълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идоралар ёки уларнинг тегишли ҳудудий бўлинмалари билан келишган ҳолда тасдиқланган текширишлар режа-жадвалида белгиланмаган ҳолда ўтказиладиган текшириш;

назорат тартибидан текшириш — умумтаълим муассасаларининг илгариги текширишда кўрсатилган қонун бузилишларини бартараф этиши устидан текширишга ваколатли органлар томонидан амалга оширадиган текшириш.

2-боб. Умумтаълим муассасалари фаолиятини текширишнинг мақсад ва вазифалари

4. Умумтаълим муассасалари фаолиятини текширишнинг мақсади умумий ўрта таълим бўйича ягона давлат сиёсатини амалга оширишда умумтаълим муассасаларининг роли ва масъулиятини кучайтириш, ўқувчиларга давлат таълим стандартларига мувофиқ сифатли таълим берилишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, умумтаълим муассасаларидаги ижро интизомини мустаҳкамлаш, педагоглар ва бошқа ходимларнинг касбий фао-

лиятига асоссиз равишда аралашувга чек қўйиш, назорат қилувчи ва бошқа давлат органлари томонидан таълим сифатига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ва бартараф этишдан иборат.

5. Қўйидагилар умумтаълим муассасалари фаолиятини текширишнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

умумтаълим муассасаларидаги ўқув-тарбия жараёнининг сифатини, ўқитувчиларнинг билим даражасини ва педагогик маҳоратини оширишга кўмаклашиш;

қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатларини чуқур таҳлил қилиш ва уларни содир этиш шарт-шароитларини бартараф қилиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси ўз вақтида ва сифатли равишда таъминланишини ташкил этиш;

умумтаълим муассасалари фаолиятида кам самарали текширишларни қисқартириш билан бир вақтда тўлақонли текширишлар самарадорлигини ошириш;

умумтаълим муассасалари фаолиятидаги очиклик, шаффофлик ва ҳисобдорликни таъминлаш, ўқув-тарбия жараёни устидан самарали давлат ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш;

умумтаълим муассасалари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш;

давлат органлари ва ташкилотларининг умумтаълим муассасалари фаолияти билан боғлиқ вазифалари, функциялари ва ваколатларини аниқ белгилаш ва тартибга солиш.

3-боб. Умумтаълим муассасалари фаолиятини текширишга ваколатли давлат органлари

6. Умумтаълим муассасаларида:

умумтаълим муассасаси ўқувчилари ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларига амал қилинишини ўрганиш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, ижтимоий-педагогик реабилитация қилиш масалалари бўйича текшириш — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи махсус бўлинмалари томонидан;

ёнғин хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига амал қилинишини ўрганиш, ёнғинларнинг олдини олиш ҳамда уларни ўчиришга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий ва илмий-техник чора-тадбирларни амалга ошириш масалалари бўйича текшириш — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан;

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун

хужжатларига ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига амал қилинишини ўрганиш, санитария-гигиена тадбирларини ва эпидемияга қарши тадбирларни амалга ошириш, ўқувчиларнинг санитария маданияти даражасини ошириш, давлат санитария назоратини амалга ошириш масалалари бўйича текшириш — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология назорати республика маркази ва ҳудудий давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари томонидан;

меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинишини ўрганиш, ходимнинг ҳаёти ва соғлиғи устуворлигини таъминлаш, меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши устидан назорат ва текширувни амалга ошириш, ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари бўйича текшириш — Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бандликка кўмаклашиш ва аҳолини иш билан таъминлаш марказлари томонидан;

аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинишини ўрганиш, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ва зарарини камайтириш юзасидан чораларни амалга ошириш, фавқулодда вазиятлар шароитида ҳаракат қилишга тайёр бўлишни ташкил этиш, фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тадбирлари бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш масалалари бўйича текшириш — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан;

ер, ер ости бойликлари, сув, дарахтлар ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан давлат экологик назоратини ўрнатиш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишларини мувофиқлаштириш борасида ягона сиёсатни амалга ошириш, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш, ўқувчиларнинг экологик маданиятини ошириш масалалари бўйича текшириш — Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

4-боб. Умумтаълим муассасаси фаолиятини текшириш муддатлари ва уни тайинлаш мезонлари

7. Умумтаълим муассасаларининг фаолиятини текшириш қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

- режали текшириш;
- режадан ташқари текшириш;
- назорат тартибида текшириш.

8. Умумтаълим муассасаларида режали текширишларни ўтказиш текширишга ваколатли органлар билан тегишлилиги бўйича тизимида умумтаълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идоралар ҳамда уларнинг ҳуду-

дий бўлинмалари томонидан қўшма тасдиқланадиган текширишларнинг йиллик режа-жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

9. Текширишга ваколатли органлар ёки уларнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан текшириш режалаштирилаётган йилдан олдинги йилнинг 1 декабригача бўлган муддатда умумтаълим муассасаларини йиллик текширишларнинг режа-жадвали лойиҳаси умумтаълим муассасалари рўйхати, уларнинг манзили, тўлиқ номи, режали текшириш даврийлигини аниқ кўрсатган ҳолда тегишлилиги бўйича тизимида умумтаълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идоралар ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмаларига кўриб чиқиш ва келишиш учун тақдим этилади.

Кейинги йил учун текширишларнинг йиллик режа-жадвали тегишлилиги бўйича текширишга ваколатли органларнинг марказий аппарати билан тизимида умумтаълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идораларнинг марказий аппарати ҳамда текширишга ваколатли органларнинг ҳудудий бўлинмалари билан тизимида умумтаълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идораларнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ҳар йили 15 декабрга қадар тасдиқланади. Тасдиқланган йиллик режа-жадвалларнинг нусхалари тегишлилиги бўйича умумтаълим муассасаларига ҳар йили 25 декабрга қадар етказиб берилади.

Агар текширишларнинг йиллик режа-жадвали тизимида умумтаълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идоралар ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан белгиланган муддатларда асоссиз равишда тасдиқлашдан бош тортилса, текширишга ваколатли органлар ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмалари йиллик текширишларнинг режа-жадвали лойиҳасига мувофиқ текширувни амалга оширишга ҳақли.

10. Умумтаълим муассасаларининг фаолиятини текширишлар даврийлиги умумтаълим муассасалари фаолияти самарадорлиги бўйича туман (шаҳар) миқёсида тузилган рейтингда (кейинги ўринларда рейтинг деб аталади) эгаллаб турган ўрнига мутаносиб равишда белгиланади.

11. Умумтаълим муассасалари фаолиятини текшириш даврийлиги учун белгиланган муддатда бир мартадан ортиқ режали текшириш ўтказилишига йўл қўйилмайди.

Янги ташкил этилган умумтаълим муассасаларида дастлабки икки йил мобайнида режали текширишлар ўтказилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

12. Тасдиқланган текширишлар режа-жадвалига текширишга ваколатли органлар билан тегишлилиги бўйича тизимида умумтаълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идоралар ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан келишилган ҳолда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

13. Текширишлар режа-жадвали лойиҳаси:

тизимида умумтаълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идораларга — текширишга ваколатли органларнинг марказий аппарати томонидан;

тизимида умумтаълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идораларнинг ҳудудий бўлинмаларига — текширишга ваколатли органларнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан тақдим этилади.

Белгиланган муддатдан кейин такдим этилган таклифлар тегишлилиги бўйича тизимида умумтаълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идоралар ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан кўриб чиқилмайди.

14. Қўйидаги ҳолларда умумтаълим муассасалари йиллик текширишлар режа-жадвалига киритилмайди:

умумтаълим муассасаси фаолиятини текшириш учун белгиланган муддатлар инобатга олинмаган бўлса;

умумтаълим муассасасининг рейтингда эгаллаб турган ўрни инобатга олинмаган бўлса;

умумтаълим муассасалари тугатилган ёки тугатиш жараёнида бўлса;

умумтаълим муассасаларининг режа-жадвалга киритилиши қонун ҳужжатларига зид бўлса.

15. Тасдиқланган йиллик текширишлар режа-жадвали текширишга ваколатли органлар, тизимида умумтаълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идоралар ҳамда улар ҳудудий бўлинмаларининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтларига жойлаштирилади.

16. Режадан ташқари текширишлар текширишга ваколатли органлар томонидан:

умумтаълим муассасаси тугатилаётганида;

тизимида умумтаълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идоралар ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмалари тизимидаги умумтаълим муассасаси фаолиятини текширишни сўраб текширишга ваколатли органга мурожаат этган тақдирда;

умумтаълим муассасаси фаолиятига оид қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг топшириқлари ҳамда давлат дастурларида белгиланган вазифаларнинг ўз муддатида ва сифатли ижро этилишини тезкор ўрганиш талаб этилганда;

инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишининг, фавқулодда вазиятлар юзага келишининг олдини олиш, педагоглар ва ўқувчилар ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли омилларнинг пайдо бўлиши, санитария-эпидемиология вазияти мураккаблашиши, шунингдек, бошқа мамлакатлардан юқумли касалликлар кириб келиши ва тарқалиши эҳтимоли мавжуд бўлганда;

бўш иш ўринлари мавжудлиги ва ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳоли қатламлари учун махсус иш ўринлари захира қилинганлиги, мажбурий меҳнатнинг олдини олиш, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилиши, шу жумладан, бахтсиз ҳодисаларни текшириш, ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини ўрганиш мақсадида;

умумтаълим муассасалари фаолияти самарадорлигига ва таълим сифатига салбий таъсир қилиши мумкин бўлган камчиликлар мавжудлиги аниқланганда ёки умумтаълим муассасалари ўқувчиларининг эришган ютуқлари олдин эришилган ютуқларидан ёки туман (шаҳар) миқёсидаги рейтингнинг ўртача кўрсаткичларидан паст бўлган тақдирда;

текширишга ваколатли органнинг мансабдор шахси маъмурий вазифаларни амалга ошираётганида умумтаълим муассасаси томонидан қонун ҳужжатлари талаблари бузилганлиги аниқланганда;

оммавий ахборот воситалари ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги манбаларда умумтаълим муассасалари фаолиятига доир қоидабузарликлар тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинганда;

умумтаълим муассасаларида ташкилий-бошқарув, ўқув-методик, маънавий ва молиявий жиҳатдан жиддий нуқсонлар мавжудлиги тўғрисида ишончли маълумот бўлганда амалга оширилади.

17. Текширишга ваколатли органлар томонидан умумтаълим муассасалари фаолиятини режали ва режадан ташқари текширишлар муддати 10 кундан ошмаслиги керак.

18. Назорат тартибида текширишларни ўтказиш текширишга ваколатли органлар томонидан фақат уларнинг ўзлари илгари ўтказган текшириш натижалари тўғрисидаги далолатномада (маълумотномада) белгиланган ҳолатлар бўйича ва муддатларда ёки тизимида умумтаълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идоралар ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмалари мурожаатига асосан ундан олдинроқ муддатларда, текширишга ваколатли органнинг буйруғи асосида тегишлилиги бўйича тизимида умумтаълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идоралар ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмаларини камида 5 кун олдин ёзма равишда хабардор қилган ҳолда 10 кундан ошмаган муддатда амалга оширилади.

19. Илгари ўтказилган текшириш натижалари тўғрисидаги далолатномада (маълумотномада) муддат кўрсатилмаган бўлса, назорат тартибида ўтказиладиган текширишлар илгари текшириш ўтказилган санадан бошлаб олти ойдан ошиб кетиши мумкин эмас.

Умумтаълим муассасаси томонидан назорат тартибида текширишлар ўтказишга тўсқинлик қилиниши мумкин эмас.

5-боб. Текширишларни ўтказиш тартиби

20. Режали текширишни ўтказиш учун қуйидагилар асос бўлади: текширишлар режа-жадвалидан кўчирма; текширишга ваколатли органнинг текшириш ўтказиш тўғрисидаги буйруғи;

текшириш дастури ёки саволномасидан нусха.

Режадан ташқари текширишни ўтказиш учун қуйидагилар асос бўлади: текширишга ваколатли органнинг текшириш ўтказиш тўғрисидаги буйруғи;

текшириш дастури ёки саволномасидан нусха.

21. Умумтаълим муассасаси фаолиятини режали текшириш тартиби ушбу Низомнинг 1-илоvasида* келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

22. Текширишга ваколатли органлар томонидан режали текшириш

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўтказилишидан камида 10 кун олдин тегишлилиги бўйича тизимида умумтаълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идоралар ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмаларига текшириш ўтказиш тўғрисидаги буйруқ, текшириш дастури ёки саволномаси илова қилинган расмий хат юборилади.

Тизимида умумтаълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идоралар ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан режали текшириш ўтказиш ҳақидаги расмий хат олинган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай ўз тизимидаги умумтаълим муассасаларига ёзма хат ёки ички электрон ҳужжатлар айланиши тизими орқали хабар берилади ҳамда текшириш ўтказиш тўғрисидаги буйруқ, текшириш дастури ёки саволнома юборилади.

23. Текширишга ваколатли органлар текширишларни амалга оширишни ўзларининг ҳудудий бўлинмаларига топширишга ҳақли. Текширишга уларнинг бошқа ҳудудий бўлинмалари ходимлари, мутахассислар, экспертлар ва аудиторлик ташкилотлари ҳам жалб этилиши мумкин.

24. Умумтаълим муассасаларининг юридик шахс мақомига эга бўлмаган филиаллари фаолиятини текширишлар улар таркибига кирадиган умумтаълим муассасаларида ўтказиладиган текширишлар доирасида амалга оширилади, режадан ташқари текширишлар бундан мустасно.

25. Текширишни амалга оширишдан олдин текширишга ваколатли орган томонидан текшириш ўтказиш тўғрисида буйруқ қабул қилинади.

Текширишга ваколатли органнинг текшириш ўтказиш тўғрисидаги буйруғида текшириладиган умумтаълим муассасаси номи, текширишнинг мақсади, текширувчи мансабдор шахслар таркиби, текшириладиган давр, текшириш ўтказиш муддати ва текшириш ўтказиш учун асос бўлган ҳужжатнинг номи, рақами ва санаси кўрсатилади ҳамда текшириш дастури ёки саволномаси илова қилинади.

Текшириш жараёнида текширишга ваколатли органнинг ваколатлари ва текшириш дастури ёки саволномасида белгиланган масалалар доирасидан четга чиқилмайди.

26. Текширишга ваколатли органнинг масъул ходимлари текшириш бошланишидан олдин умумтаълим муассасаси раҳбарини (раҳбар бўлмаган тақдирда унинг вазифасини бажарувчи шахсни) текшириш мақсади билан таништиради, унга ўз хизмат гувоҳномаси ва текширишни ўтказишга асос бўладиган ҳужжатларнинг (текширишлар режа-жадвалидан кўчирма, текширишга ваколатли органнинг текшириш ўтказиш тўғрисидаги буйруғи ва текшириш дастури ёки саволномаси) нусхаларини топширади.

27. Текшириш ўтказиш учун асос бўлган ҳужжатлар нусхаси текшириладиган умумтаълим муассасасига тилхат олинган ҳолда топширилган пайт текширишни ўтказиш бошланган пайт ҳисобланади.

Текшириладиган умумтаълим муассасасининг ушбу ҳужжатларни олишдан бош тортганлиги текширишни бекор қилиш учун асос бўлмайди.

Текшириладиган умумтаълим муассасаси ушбу ҳужжатларни олишдан бош тортган тақдирда, текширишга ваколатли органнинг мансабдор шахси томонидан унинг ўзи ва текшириладиган умумтаълим муассасаси раҳбари (раҳбар бўлмаган тақдирда унинг вазифасини бажарувчи шахс) имзолай-

диган текшириш натижалари тўғрисидаги далолатнома тузилади. Ушбу далолатномани умумтаълим муассасаси раҳбари (раҳбар бўлмаган тақдирда унинг вазифасини бажарувчи шахс) имзолашдан бош тортганда, далолатномага текширишга ваколатли органнинг масъул ходими томонидан тегишли ёзув киритилади. Бу ҳолда далолатнома имзоланган пайт текширишни ўтказиш бошланган пайт ҳисобланади.

28. Текширишга ваколатли органнинг масъул ходимлари умумтаълим муассасаси томонидан тақдим этилган ушбу Низомга 2-иловага* мувофиқ шаклдаги Текширишларни рўйхатга олиш дафтариини тўлдириши шарт.

Техник имконият мавжуд бўлганда мажбурий тартибда Текширишларни рўйхатга олиш дафтариининг электрон шакли тўлдирилади. Бунда дафтариининг қоғоз шаклини тўлдириш талаб этилмайди.

29. Текшириш натижалари тўғрисидаги далолатномага (маълумотномага) Текширишларни рўйхатга олиш дафтариининг тўлдирилган шакли (қоғоз шакли тўлдирилганда — электрон шакли тўлдирилмаганлиги сабаби) ёки дафтар тақдим этилмаганда — унинг тақдим этилмаганлиги тўғрисида текширишга ваколатли органнинг масъул ходими томонидан тегишли ёзув киритилади.

30. Текширишга ваколатли органнинг масъул ходимлари Текширишларни рўйхатга олиш дафтариини тўлдиришдан бош тортган тақдирда, умумтаълим муассасасида текшириш ўтказилишига йўл қўйилмайди.

31. Текширишга ваколатли орган томонидан илгари текширилган масалалар бўйича қайта текшириш ҳамда бир йилда бир мартадан ортиқ назорат тартибидоги текширишлар ўтказилмайди.

32. Текширишни белгиланган муддатда ўтказиш имкони бўлмаган ҳолларда, жумладан, текширишда иштирок этиши лозим бўлган шахс иштирок эта олмаган, текшириш ўтказиш учун талаб қилинган ҳужжатлар умумтаълим муассасаси томонидан тақдим этилмаган ёки зарур мутахассислар мавжуд бўлмаган тақдирда, текширишга ваколатли органнинг буйруғи асосида текшириш тўхтатилиб, белгиланган тартибда бошқа вақтга кўчирилиши мумкин.

33. Муддати кўчирилган текширишни ўтказиш текшириш тўхтатилган ойдан кейинги ойнинг сўнгги кунидан кечиктирмасдан таъминланиши лозим.

34. Текширишлар натижалари камида икки нусхада тузиладиган далолатнома (маълумотнома) билан расмийлаштирилади.

Умумтаълим муассасаларини текшириш натижалари тўғрисидаги далолатнома (маълумотнома) туман (шаҳар) ёки Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар миқёсида умумлаштирилиши мумкин.

35. Бир кун муддатда ўтказиладиган текшириш натижалари тўғрисидаги далолатнома (маълумотнома) текшириш ўтказилган кунда, муддати бир кундан ортиқ бўлган текшириш бўйича эса текшириш муддатиининг охири кунидан кечиктирмасдан расмийлаштирилиши шарт.

36. Текшириш натижалари тўғрисидаги далолатноманин (маълумотно-

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

манинг) нусхалари текширишга ваколатли органнинг текшириш ўтказаетган масъул ходимлари ва умумтаълим муассасаси раҳбари (раҳбар бўлмаган тақдирда унинг вазифасини бажарувчи шахс) ёки тегишлилиги бўйича тизимида умумтаълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идоралар ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмалари вакили томонидан имзоланади. Текшириш натижалари тўғрисидаги далолатноманинг (маълумотноманинг) бир нусхаси умумтаълим муассасаси раҳбарига (раҳбар бўлмаган тақдирда унинг вазифасини бажарувчи шахсга) ёки тегишлилиги бўйича тизимида умумтаълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идоралар ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмалари вакилига уни олган санани кўрсатган ҳолда имзо қўйдириб топширилади ва шу пайтдан эътиборан текшириш тугаган ҳисобланади.

Текширилган умумтаълим муассасаси вакили ўтказилган текшириш натижаси бўйича ўз эътирозларини далолатномада (маълумотномада) ёзма равишда акс эттириши мумкин.

Текширилетган умумтаълим муассасаси вакили текшириш натижалари тўғрисидаги далолатномани (маълумотномани) олишдан ва (ёки) уни имзолашдан бош тортганда, текширишга ваколатли органнинг масъул ходими бу ҳақда текшириш натижалари тўғрисидаги далолатномага (маълумотномага) тегишли ёзувни киритади ва шу пайтдан эътиборан текшириш тугаган ҳисобланади.

Бундай ҳолатда текшириш натижалари тўғрисидаги далолатноманинг (маълумотноманинг) нусхаси бир иш куни давомида умумтаълим муассасасига ёки тегишлилиги бўйича тизимида умумтаълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идоралар ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмаларига почта орқали буюртма хат билан юборилади.

Текшириш натижалари тўғрисидаги далолатнома (маълумотнома) текширишга ваколатли органнинг ички идоравий ҳужжати билан белгиланган тартибда рўйхатга олинади.

37. Текшириш натижалари тўғрисидаги далолатномада (маълумотномада) қуйидагилар ўз аксини топади:

текшириш жараёнида аниқланган камчиликлар ва умумий хулоса;

аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари ва уларнинг муддати;

текшириш жараёнида аниқланган қонун ва қоида бузилиши ҳолатларига нисбатан қонунчиликда белгиланган таъсир чоралари.

38. Текшириш натижалари тўғрисидаги далолатнома (маълумотнома) нусхаси текширишга ваколатли органлар томонидан тегишлилиги бўйича:

тизимида умумтаълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идоралар ёки уларнинг тегишли ҳудудий бўлинмаларига;

ҳудудий ҳокимликларга ёки комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича тегишли секторларга киритилиши мумкин.

Улар ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича текшириш натижалари тўғрисидаги далолатномада (маълумотномада) кўрсатилган камчиликларни зудлик билан бартараф этиш чораларини кўришлари лозим.

Текшириш жараёнида ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланган тақдирда,

бу ҳақидаги маълумотлар текшириш натижалари тўғрисидаги далолатномага (маълумотномага) киритилиб, унинг бир нусхаси далолатнома (маълумотнома) имзоланган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай текширишга ваколатли органлар томонидан мажбурий тартибда тегишлилиги бўйича ҳудудий ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилади.

39. Текшириш ўтказиш вақтида умумтаълим муассасалари адвокат хизматидан фойдаланиши мумкин.

40. Текширишга ваколатли органлар асосли сабабларга кўра текшириш ўтказиш имкони бўлмаган ёки зарурати қолмаган (тугатирилганлиги сабабли молия-хўжалик фаолияти юзасидан якуний текшириш ўтказилган, жиноят иши юзасидан текширилган, бошқа муассасага қўшилган, фаолият юритмаётган, текшириш даврида текшириладиган объект мавжуд бўлмаган ва ҳоказо) умумтаълим муассасаларини текширишлар режа-жадвалидан чиқариш тўғрисида тегишлилиги бўйича тизимида умумтаълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идоралар ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмаларига таклиф киритадилар.

41. Ўтказилган текшириш натижаларидан норози бўлган умумтаълим муассасалари низоли масалаларга аниқлик киритиш учун текширишга ваколатли органларнинг юқори турувчи ташкилотига, судга ёки прокуратура органларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Умумтаълим муассасалари низоли масалаларга аниқлик киритиш учун текширишга ваколатли органларнинг юқори турувчи ташкилотларига мурожаат этган тақдирда, текширишга ваколатли органлар тегишлилиги бўйича тизимида умумтаълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идоралар ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмалари билан қўшимча равишда келишмасдан, фақат умумтаълим муассасаларининг мурожаатларида кўрсатилган низоли масалалар юзасидан аниқлик киритадилар.

6-боб. Текшириш жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

42. Текширишга ваколатли органлар умумтаълим муассасалари фаолиятини текшириш жараёнида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

умумтаълим муассасаларидан текширишни самарали ўтказиш билан боғлиқ зарур ҳужжатлар ва бошқа ахборотларни талаб қилиш;

текшириш жараёни билан боғлиқ зарур ҳужжатлардан нусха олиш;

ваколатлари доирасида умумтаълим муассасаларида аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

tizимида умумтаълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идоралар ёки уларнинг тегишли ҳудудий бўлинмаларига ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга текшириш жараёнида аниқланган ҳуқуқбузарликларга йўл қўйган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалани киритиш;

текшириш жараёнига тегишли мутахассислар, экспертлар ва аудиторлик ташкилотларини шартнома асосида жалб этиш;

ушбу Низомнинг 32-бандида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда, текширишларнинг муддатини кўчириш тўғрисида таклиф киритиш.

Текширишга ваколатли органлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

43. Текширишга ваколатли органлар умумтаълим муассасалари фаолиятини текшириш жараёнида қуйидагиларга мажбур:

умумтаълим муассасаларига текшириш ўтказиш ҳуқуқини берувчи зарур ҳужжатларни тақдим этиш;

умумтаълим муассасаларидаги ўқув-тарбия жараёнларига халақит бермаслик;

Текширишларни рўйхатга олиш дафтарини белгиланган тартибда тўлдириш;

текширишлар натижалари тўғрисида далолатнома (маълумотнома) расмийлаштириш, унинг бир нусхасини текшириш тугаган куни умумтаълим муассасасида қолдириш;

текшириш жараёнида аниқланган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ҳамда юқори турувчи органларга хабар бериш.

Текширишга ваколатли органларга қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

44. Умумтаълим муассасалари текшириш жараёнида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

фаолияти режали текширилиши тўғрисидаги маълумотга эга бўлиш;

текширишга ваколатли органларнинг масъул шахсларидан уларнинг хизмат гувоҳномаси ва текширишни ўтказишга асос бўладиган ҳужжатларни талаб қилиш;

текширишни ўтказишга асос бўладиган ҳужжатларга эга бўлмаган шахсларнинг текшириш ўтказишига йўл қўймаслик;

текширишга ваколатли органлар масъул шахсларининг ваколатига кирмайдиган масалаларга оид талабларини бажармаслик ва текшириш предметига тааллуқли бўлмаган материалларни тақдим этмаслик;

текшириш тугаган куни текширишга ваколатли органларнинг масъул шахсларидан текшириш натижалари тўғрисидаги далолатноманинг (маълумотноманинг) нусхасини беришни талаб қилиш;

текширишга асос бўладиган ҳужжатларни тақдим этмаганлик, текшириш натижалари тўғрисидаги далолатнома мазмуни ва текширувчилар томонидан текширишга алоқадор бўлмаган ҳар қандай қўшимча кўрсатмалар бериш юзасидан юқори турувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судга шикоят қилиш.

Умумтаълим муассасалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

45. Умумтаълим муассасалари текшириш жараёнида қуйидагиларга мажбур:

текшириш ўтказиш ҳуқуқини берувчи зарур ҳужжатларга эга бўлган текширишга ваколатли органларни умумтаълим муассасаси ҳудудига киритиш;

текширишга ваколатли органларнинг қонуний талабига биноан текшириш ўтказиш билан боғлиқ зарур ҳужжатлар ва бошқа ахборотларни ўз вақтида тақдим этиш;

текшириш жараёнига халақит бермаслик, текширишга ваколатли органлар томонидан текширишни самарали ўтказиш учун шарт-шароитлар яратиш;

текшириш натижалари тўғрисидаги далолатномада (маълумотномада) кўрсатилган қоидабузарлик ҳолатларини ўз вақтида бартараф этиш чораларини кўриш.

Умумтаълим муассасаларига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

7-боб. Яқунловчи қоидалар

46. Текширишга ваколатли органларнинг раҳбарлари умумтаълим муассасаларида текшириш ўтказишга асос бўладиган ҳужжатларнинг ишончлиги ҳамда текширишга ваколатли органлар масъул шахсларининг ўз ваколатлари доирасидан чиқмаслиги учун жавоб берадилар.

47. Текширишга ваколатли органлар томонидан текширишлар ушбу Низом ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ўтказилганлиги тегишлилиги бўйича тизимида умумтаълим муассасаси бўлган вазирликлар ва идоралар ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан доимий равишда мониторинг олиб борилади.

Текширишлар бўйича мониторинг умумтаълим муассасаларида ўтказилган режали, режадан ташқари ва назорат тартибида ўтказилган текширишларнинг алоҳида равишда ҳисобини юритиш, текширишлар давомида аниқланган камчиликларни таҳлил қилиш ва уларни бартараф этиш чора-тадбирларини белгилаш орқали амалга оширилади.

Умумтаълим муассасаларида ноқонуний текшириш ўтказган ёки текшириш жараёнида ўз ваколати доирасидан чиққан текширишга ваколатли органларнинг ходимлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

48. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 25 апрелдаги 352-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Мактабгача ҳамда умумтаълим муассасалари
фаолиятини текшириш ваколатига эга бўлган давлат
органлари ва ташкилотлари
РЎЙХАТИ**

Т/р	Давлат органлари номи	Текшириш мuddати
1.	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи махсус бўлинмалари	Режа-жадвал асосида
2.	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат ёнгин хавфсизлиги хизмати ва унинг ҳудудий бўлинмалари	
3.	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология назорати республика маркази ва ҳудудий давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари	
4.	Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда унинг тегишли ҳудудий бўлинмалари	
5.	Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва унинг тегишли ҳудудий бўлинмалари	
6.	Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг тегишли ҳудудий бўлинмалари	

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЕР РЕСУРСЛАРИ,
ГЕОДЕЗИЯ, КАРТОГРАФИЯ ВА ДАВЛАТ КАДАСТРИ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

335 Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасидаги аризалари ва шикоятларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
22 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3156*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 декабрдаги 1060-сон «Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасидаги аризалари ва шикоятларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

А. АБДУЛЛАЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 11 март,
4-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 22 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Ер ресурслари, геодезия, картография ва
давлат кадастри давлат қўмитасининг
2019 йил 11 мартдаги 4-сон қарорига
ИЛОВА

**Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг кўчмас
мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан
ўтказиш соҳасидаги аризалари ва шикоятларини кўриб
чиқиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 декабрдаги 1060-сон «Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг (бундан буён матнда манфаатдор шахс деб юритилади) кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасидаги аризалари ва шикоятлари (бундан буён матнда мурожаат деб юритилади)нинг кўриб чиқилиши тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

кўчмас мулк объектлари — ер участкалари, ер ости бойликлари, бинолар, иншоотлар, кўп йиллик дов-дарахтлар ва ер билан узвий боғланган бошқа мол-мулк, яъни белгиланган мақсадига номутаносиб зарар етказмаган ҳолда жойини ўзгартириш мумкин бўлмайдиган объектлар;

кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш — манфаатдор шахсларнинг, жумладан битимлар асосида юзага келадиган кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларининг вужудга келиши, бошқа шахсга ўтиши, бекор бўлишини тан олиш ҳамда тасдиқлаш;

рўйхатдан ўтказувчи — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг (бундан буён матнда ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси деб юритилади) тегишли туман (шаҳар)даги филиали раҳбари томонидан тайинланадиган масъул шахслар.

2. Манфаатдор шахсларнинг кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш юзасидан мурожаатлари тегишли ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси қошидаги доимий равишда фаолият юритадиган комиссия (бундан буён матнда комиссия деб юритилади) томонидан кўриб чиқилади.

3. Комиссия томонидан манфаатдор шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бепул амалга оширилади.

4. Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ низо суд тартибида кўриб чиқилган ҳолларда комиссия томонидан қайта кўриб чиқилмайди.

2-боб. Комиссияни шакллантириш ва унинг вазифалари

5. Комиссия ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси раҳбарининг буйруғига асосан 5 кишидан кам бўлмаган тоқ сондаги (комиссия раиси, котиби ва аъзолари) таркибда тузилади.

6. Комиссия таркиби тегишли ҳудуддаги ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси, тегишлилигига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси масъул ходимлари орасидан шакллантирилади.

7. Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақида қарор қабул қилган ёки давлат рўйхатидан ўтказишни рад этган шахс комиссия аъзоси бўлиши мумкин эмас.

8. Тегишли ҳудуддаги ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси раҳбари комиссия раиси ҳисобланади.

9. Комиссия ўз фаолиятини мазкур Низом ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

10. Комиссия раиси:

комиссия фаолиятини ва унинг иш тартибига риоя этилишини ташкил этади;

манфаатдор шахслардан келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиш жойи, куни ва вақтини белгилайди;

комиссия мажлисларини ўтказиши ва уларга раҳбарлик қилади.

11. Комиссия раиси комиссия ишини ташкил қилиш ва уни ўз вақтида, тўғри ва ҳаққоний ўтказиши учун масъул ҳисобланади.

12. Манфаатдор шахслардан келиб тушган мурожаатлар ҳамда комиссия иши билан боғлиқ ҳужжатларнинг сақланиши учун комиссия котиби масъул ҳисобланади.

3-боб. Комиссияга мурожаат қилиш

13. Манфаатдор шахс комиссияга кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш юзасидан мурожаат қилиши мумкин.

14. Жисмоний шахснинг мурожаатида унинг фамилияси (исми, отасининг исми), яшаш жойи, шунингдек юридик шахснинг мурожаатида юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак.

Мурожаатда манфаатдор шахснинг электрон почта манзили, алоқа телефонлари ва факслари рақамлари кўрсатилиши мумкин.

15. Мурожаатда кўчмас мулк объектининг жойлашган ери (почта манзили) ҳақидаги маълумотлар кўрсатилиши тавсия этилади.

16. Мурожаатга кўчмас мулк объекти билан боғлиқ бошқа маълумотлар ва ҳужжатлар илова қилиниши мумкин.

4-боб. Мурожаатларни кўриб чиқиш

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 декабрдаги 1060-сон «Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан комиссия манфаатдор шахснинг мурожаатини у келиб тушган кундан бошлаб 10 кун ичида кўриб чиқиши лозим.

18. Комиссия котиби келиб тушган мурожаатларни шу куннинг ўзида Мурожаатларни рўйхатга олиш китобига тегишли ёзув киритиш орқали қайд қилади.

19. Комиссия котиби келиб тушган мурожаатларнинг тўғрилигини ҳамда ундаги маълумотлар тўлиқ кўрсатилганлигини ўрганади.

20. Жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар ёки юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар ҳақида ёлғон маълумотлар кўрсатилган мурожаат, шунингдек уни идентификация қилиш имкониятини бермайдиган электрон мурожаат ёхуд имзо билан тасдиқланмаган ёзма мурожаат аноним мурожаат ҳисобланади ва комиссия томонидан кўриб чиқилмайди.

Мурожаатлар кўрмай қолдирилганда тегишли хулоса тузилади, у комиссия раиси томонидан тасдиқланади.

21. Комиссияга келиб тушган мурожаатларнинг сони бир ёки бир неча бўлишидан қатъи назар, комиссия мазкур Низомнинг 17-бандида белгиланган муддатларда мурожаатларни кўриб чиқиши шарт.

22. Мурожаатларни кўриб чиқиш жойи, куни ва вақти комиссия раиси томонидан белгиланади.

23. Комиссия котиби комиссия аъзоларини комиссия мажлиси ўтказиладиган кундан камида 3 кун олдин хабардор қилиши лозим.

24. Мурожаатлар комиссия томонидан манфаатдор шахснинг иштирокисиз кўриб чиқилади.

25. Комиссия мажлисида мурожаатни кўриб чиқиш натижаси бўйича комиссия аъзолари мурожаатда назарда тутилган масаланинг барча ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

рўйхатдан ўтказувчининг кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги қарорини бекор қилиш лозимлиги тўғрисида;

рўйхатдан ўтказувчининг кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ҳақидаги қарорини бекор қилиш ва

кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш лозимлиги тўғрисида;

рўйхатдан ўтказувчининг кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги қарорини ўз кучида қолдириш лозимлиги тўғрисида;

рўйхатдан ўтказувчининг кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ҳақидаги қарорини ўз кучида қолдириш лозимлиги тўғрисида.

26. Комиссия қарори комиссия аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда, комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

27. Комиссия мажлиси баённома билан расмийлаштирилади. Бунда комиссия мажлиси баённомаларини расмийлаштириш комиссия котиби томонидан амалга оширилади.

28. Комиссиянинг қабул қилган қарори асосида комиссия котиби томонидан 3 та нусхада хулоса расмийлаштирилади.

29. Хулосада тегишлилиги бўйича манфаатдор шахснинг Ф.И.О. ёки юридик шахснинг тўлиқ номи, кўчмас мулк объекти ҳақидаги тегишли маълумотлар ҳамда комиссия томонидан мазкур мурожаат юзасидан қабул қилинган қарор кўрсатилиши керак.

30. Хулосалар комиссиянинг ҳар бир аъзоси томонидан имзоланади ҳамда тасдиқлаш учун комиссия раисига тақдим этилади.

31. Комиссия котиби комиссия раиси томонидан тасдиқланган хулосаларни шу куннинг ўзида бир нусхадан рўйхатдан ўтказувчи ва манфаатдор шахсга етказилишини таъминлайди.

32. Хулосанинг бир нусхаси комиссия котиби томонидан комиссия иши ҳужжатларига тикиб қўйилади.

33. Кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқ юзасидан аниқланган янги ҳолатлар асосида комиссия томонидан қабул қилинган қарор қайта кўриб чиқилиши мумкин.

5-боб. Комиссия қарори юзасидан берилган мурожаатларни кўриб чиқиш

34. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раисининг қарори билан Апелляция комиссияси тузилади. Апелляция комиссияси таркибига Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг комиссия фаолиятида иштирок этмаган масъул ходимлари орасидан Апелляция комиссияси раиси ва камида тўрт нафар аъзо киритилади.

35. Комиссия хулосасидан норози бўлган манфаатдор шахс ёки рўйхатдан ўтказувчи комиссия хулосасини олган кундан бошлаб 10 кун давомида Апелляция комиссиясига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

36. Манфаатдор шахс ёки рўйхатдан ўтказувчи томонидан берилган апелляция Апелляция комиссияси томонидан 10 кун ичида кўриб чиқилиши лозим.

37. Апелляция комиссияси манфаатдор шахс ёки рўйхатдан ўтказувчининг апелляциясини кўриб чиқиш натижалари бўйича комиссия хулосасини бекор қилиш ёки уни ўз кучида қолдириш тўғрисида қарор қабул қилади.

38. Апелляция комиссияси тегишли қарорни манфаатдор шахс ва рўйхатдан ўтказувчига етказилишини таъминлайди.

6-боб. Яқуний қоидалар

39. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

40. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган.

Қурилиш вазири

2019 йил 7 март

А. ТУХТАЕВ

*Давлат солиқ
қўмитаси раиси*

2019 йил 8 март

Б. МУСАЕВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

336 Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 22 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2709-3

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 22 июлдаги 19/14-сон қарори (рўйхат рақами 2709, 2015 йил 13 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 32-сон, 437-модда) билан тасдиқланган Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан бир ойдан кейин кучга кирилади.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 16 март,
5/18-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил
16 мартдаги 5/18-сон қарорига
ИЛОВА

Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. 4-бандда:
иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;
учинчи — олтинчи хатбошилар тегишли равишда иккинчи — бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 22 апрелда эълон қилинган.

2. 43²-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«43². Лаҳзали ликвидлилик коэффиценти банк кассасидаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ва Марказий банкининг қимматли қоғозлари ҳамда банкнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги ҳисобварақларидаги маблағлари (бундан Марказий банкдаги мажбурий захира ҳисобварағидаги маблағлар мустасно) суммасини ушбу Низомнинг 3-иловасидаги рўйхатда келтирилган ҳисобварақларнинг қолдиқлари — талаб қилиб олингунча мажбуриятлар суммасига нисбати орқали аниқланади.».

3. 52-бандда:

биринчи хатбошидан биринчи жумла чиқариб ташлансин;

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи — бешинчи хатбошилар тегишли равишда иккинчи — тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ЛҚМК 100 фоиздан кам бўлмаслиги лозим. Ушбу кўрсаткич 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб:

барча валюталарда;

миллий валютада;

хорижий валюталарда (барча хорижий валюталарнинг йиғиндиси) таъминланиши шарт.».

4. 53-бандда:

биринчи хатбошидан биринчи жумла чиқариб ташлансин;

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«СБММК 100 фоиздан кам бўлмаслиги лозим. Ушбу кўрсаткич 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб:

барча валюталарда;

миллий валютада;

хорижий валюталарда (барча хорижий валюталарнинг йиғиндиси) таъминланиши шарт.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

337 «Ўзбекнефтгаз» МХК корхоналари тизим ичида маҳсулот етказиб бериш бўйича табиий газни пировард истеъмолчига сотишдан давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлаш тартиби ҳақида низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
22 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2088-2*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2010 йил 19 февралдаги 14, 2010-5-сон «Ўзбекнефтгаз» МХК корхоналари тизим ичида маҳсулот етказиб бериш бўйича табиий газни пировард истеъмолчига сотишдан давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлаш тартиби ҳақида низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2088, 2010 йил 19 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 12-сон, 86-модда);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 29 майдаги 54, 2017-23-сон «Ўзбекнефтгаз» МХК корхоналари тизим ичида маҳсулот етказиб бериш бўйича табиий газни пировард истеъмолчига сотишдан Республика йўл жамғармасига, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлаш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2088-1, 2017 йил 19 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 25-сон, 555-модда).

2. Мазкур қарор «Ўзбекнефтгаз» акциядорлик жамияти билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 10 апрель,
51-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 22 апрелда эълон қилинган.

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 10 апрель,
2019-28-сон

Келишилган:

**Ўзбекнефтгаз» АЖ
бошқаруви раиси**

Б. СИДДИКОВ

2019 йил 10 апрель

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНДЛИК ВА МЕХНАТ
МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

338 **Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга
соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
22 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3157*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 октябрдаги ПФ-5553-сон «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ-3655-сон «Республика олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 20 июлдаги ПҚ-3876-сон «Фан ва олий таълим соҳаси ходимларининг меҳнат ҳақи миқдорини янада ошириш, илмий ва илмий-техник фаолият натижалари жорий этилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 22 апрелда эълон қилинган.

2009 йил 11 декабрдаги 312-сон «Ўқув машғулоти ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш 2018 йил 1 ноябрдан бошлаб мазкур қарорга иловада кўрсатилган миқдорларда амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2018 йил 30 июлдаги 17-2018, 38 ва 20-қ/қ-сон «Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 3054, 2018 йил 15 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 33-сон, 688-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Олий ва ўрта махсус
таълим вазири**

И. МАДЖИДОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 10 апрель,
3-2019-сон

Халқ таълими вазири

Ш. ШЕРМАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 10 апрель,
19-ққ-сон

**Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири**

Ш. КУДЪБИЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 10 апрель,
15-2019-ққ-сон

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги,
Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йил
10 апрелдаги 3-2019, 19-ққ ва 15-2019-ққ-сон қарорига
ИЛЮВА

**Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш
МИҚДОРЛАРИ**

1. Олий таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида, қайта тайёрлаш ва малака ошириш муассасаларида, шунингдек мазкур муассасаларда таълим этиладиган ўқув курсларида ўқув машғулотлари ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари:

Т/р	Контингент	Ўқув машғулотларини олиб борувчи шахслар	Меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини ҳисоблашда қўлланиладиган лавозимлар	Меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдори ба завий лавозим маошларига нисбатан фоизларда
1.	Олий таълим муассасалари талабалари	фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасидан бирига, хоржий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки профессор илмий унвонига эга бўлган шахслар фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасидан бирига, хоржий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган шахслар	Профессор базавий лавозим маошининг фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хоржий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва профессор илмий унвонига эга бўлган тоифасидан Доцент базавий лавозим маошининг фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки хоржий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган тоифасидан	1,66 1,14
2.	Таълим доктрант ва докторантлар, раҳбар ходимлар ва мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини	илмий даражага эга бўлмаган шахслар* фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасидан бирига, хоржий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий дара-	Ассистент, ўқитувчи базавий лавозим маошининг илмий унвонига ёки илмий даражага эга бўлмаган тоифасидан Профессор базавий лавозим маошининг фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хоржий давлатларнинг унга тенглаштирилган бош-	1,04 2,00

Т/р	Конлингент	Ўқув машғулотларини олиб борувчи шахслар	Меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини ҳисоблашда қўлланиладиган лавозимлар	Меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдори базавий лавозим маошларига нисбатан фоизларда
	<p>ошириш бўйича таълим муассасалари (курслари) тингловчилари**</p>	<p>жаларига ёки профессор илмий унвонига эга бўлган шахслар</p> <p>фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасидан бирига, хоржий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган шахслар</p>	<p>қа илмий даражаларига ва профессор илмий унвонига эга бўлган тоифасидан</p> <p>Доцент базавий лавозим маошининг фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки хоржий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган тоифасидан</p>	1, 50
		<p>илмий даражага эга бўлмаган шахслар*</p>	<p>Ассистент, ўқитувчи базавий лавозим маошининг илмий унвонига ёки илмий даражасига эга бўлмаган тоифасидан</p>	1, 52
3.	<p>Курслар тингловчилари, ўрга маҳус, касб-ҳунар маълумоти талаб этиладиган лавозимларни жаллаб турган ишчилар, ходимлар**</p>	<p>фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасидан бирига, хоржий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки профессор илмий унвонига эга бўлган шахслар</p> <p>фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасидан бирига, хоржий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган шахслар</p>	<p>Профессор базавий лавозим маошининг фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хоржий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва профессор илмий унвонига эга бўлган тоифасидан</p> <p>Доцент базавий лавозим маошининг фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки хоржий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган тоифасидан</p>	1, 13
		<p>илмий даражага эга бўлмаган шахслар*</p>	<p>Ассистент, ўқитувчи базавий лавозим маошининг илмий унвонига ёки илмий даражасига эга бўлмаган тоифасидан</p>	0, 72
				0, 61

* илмий даражага эга бўлмаган, мутахассислик фанлари бўйича машғулот ўтказиши учун жасалб қилинадиган шахслар.

** олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларига машғулотлар ўтказиши учун соатбай иш ҳақи тўлаш шартлари билан жасалб этиладиган шахсларга соатбай иш ҳақи миқдори белгиланган миқдорларидан 25 фоизга кўпайтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги 242-сон «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни таъкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларига машғул қилган кадрларга ва тажрибали амалиётчи мутахассисларга ўқув жасалб этиладиган айрым юқори малакали илмий-педагогик кадрларга ва тажрибали амалиётчи мутахассисларга ўқув машғулотлари ўтказганлиги учун соатбай иш ҳақи тўлаш шартлари билан мутахассисларга ўқув машғулотлари ўтказганлиги учун соатбай иш ҳақи миқдорини белгиланган миқдорларидан 50 фоиз юқори этиб белгилашга ҳақли.

*** ушбу бандда белгиланган ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари тавсиявий ҳусусиятга эга.

2. Ўрта махсус, касб-хунара таълими муассасалари педагог ходимларига ўқув машғулотлари ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари:

Т/р	Контингент	Ўқув машғулотларини олиб боровчи шахслар	Меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини ҳисоблашда қўлланиладиган лавозимлар	Меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдори базавий лавозим маошларига нисбатан
		фан доктори ёки фан доктори (Dostog of Science) илмий даражасидан бирига, хоржий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки профессор илмий унвонига эга бўлган шахслар	Олий таълим муассасалари Профессор базавий лавозим маошининг фан доктори ёки фан доктори (Dostog of Science) илмий даражасига ёки хоржий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва профессор илмий унвонига эга бўлган тоифасидан	1,45
1.	Академик лицей ўқувчилари	фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасидан бирига, хоржий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган шахслар	Олий таълим муассасалари Доцент базавий лавозим маошининг фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки хоржий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган тоифасидан	0,93
		бош ўқитувчи	Академик лицей Бош ўқитувчиси базавий лавозим маошидан	1,10
		етақчи ўқитувчи	Академик лицей Етақчи ўқитувчиси базавий лавозим маошидан	1,10
		катта ўқитувчи	Академик лицей Катта ўқитувчиси базавий лавозим маошидан	1,10

Т/р	Контингент	Ўқув машғулотларини олиб борувчи шахслар	Меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини ҳисоблашда қўлланиладиган лавозимлар	Меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдори базавий лавозим маошларига нисбатан фоизларда
		олий маълумотли ўқитувчи	Академик лицей Олий маълумотли ўқитувчиси базавий лавозим маошидан	1,10
		Ўрта махсус маълумотли ўқитувчи	Академик лицей Ўрта махсус маълумотли ўқитувчиси базавий лавозим маошидан	1,10
		фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасидан бирига, хоржий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки профессор илмий унвонига эга бўлган шахслар	Олий таълим муассасалари Профессор базавий лавозим маошининг фан доктори ёки фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига ёки хоржий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ва профессор илмий унвонига эга бўлган тоифасидан	1,45
2.	Қасб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари	фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасидан бирига, хоржий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган шахслар	Олий таълим муассасалари Доцент базавий лавозим маошининг фан номзоди ёки фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки хоржий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган тоифасидан	0,93
		бош ўқитувчи	Қасб-хунар коллежи Бош ўқитувчиси базавий лавозим маошидан	1,10
		етақчи ўқитувчи	Қасб-хунар коллежи Етақчи ўқитувчиси базавий лавозим маошидан	1,10
		катта ўқитувчи	Қасб-хунар коллежи Катта ўқитувчиси базавий лавозим маошидан	1,10
		олий маълумотли ўқитувчи	Қасб-хунар коллежи Олий маълумотли ўқитувчиси базавий лавозим маошидан	1,10
		Ўрта махсус маълумотли ўқитувчи	Қасб-хунар коллежи Ўрта махсус маълумотли ўқитувчиси базавий лавозим маошидан	1,10
		биринчи малака тоифали ишлаб чиқариш таълими устаси	Қасб-хунар коллежи Катта ўқитувчиси базавий лавозим маошидан	1,10

Т/р	Контингент	Ўқув машғулотларини олиб борувчи шахслар	Меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини ҳисоблашда қўлланиладиган лавозимлар	Меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдори ба завий лавозим маошларига нисбатан фозизларда
		Иккинчи малака тоифали ишлеб чиқариш таълими устаси	Касб-хунар коллежи Олий маълумотли ўқитувчиси базавий лавозим маошидан	1,10
		Малака тоифасига эга бўлмаган ишлеб чиқариш таълими устаси	Касб-хунар коллежи Ўрта махсус маълумотли ўқитувчиси базавий лавозим маошидан	1,10

3. Умумтаълим мактаблари педагог ходимларига ўтган дарси учун соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари:

Т/р	Контингент	Ўқув машғулотларини олиб борувчи шахслар	Меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини ҳисоблашда қўлланиладиган лавозимлар	Меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдори ба завий лавозим маошларига нисбатан фозизларда
		олий малака тоифали	Олий малака тоифали ўқитувчи базавий лавозим маошидан	1,20
	Умумтаълим мактабларининг бошланғич ва юқори синфлари ўқитувчилари, ўқитувчи-логopedи, логопедия шохобчаси мудири	биринчи малака тоифали	Биринчи малака тоифали ўқитувчи базавий лавозим маошидан	1,20
1.		иккинчи малака тоифали	Иккинчи малака тоифали ўқитувчи базавий лавозим маошидан	1,20
		олий маълумотли	Олий маълумотли ўқитувчи базавий лавозим маошидан	1,20
		Ўрта махсус маълумотли	Ўрта махсус маълумотли ўқитувчи базавий лавозим маошидан	1,20

Изоҳ:

1. Соатбай ҳақ тўлаш миқдори таркибига меҳнат татбили ҳақи киритилган.
2. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Қишлоқ хўжалиги фанлар академияси академиклари меҳнатига соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари 15 фозизга оширилади.
3. Конкурс ва танловлар жюрилари аъзолари, шунингдек конкурс ишлари тақризчилари меҳнатига ҳақ тўлашда олий таълим муассасалари талабалари билан ўқув машғулотлари олиб борганлик учун тўланадиган соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари қўлланилади.

4. Академик лицейлар ва умумтаълим мактабларига ўқитувчилик фаолиятига меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш шартларида жалб этиладиган олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркиби меҳнатига соатбай ҳақ тўлаида олий таълим муассасалари талабалари билан ўқув машғулоти олиб борувчи шахслар учун назарда тутилган меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари қўлланилади.

5. Умумтаълим мактабларининг 10-11-синф ўқувчиларига касбий таълим беришга ихтисослаштирилган ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаси ишлаб чиқариш таълими усталари таркиби меҳнатига соатбай ҳақ тўлаида касб-ҳунар коллежларининг ишлаб чиқариш таълими усталари учун назарда тутилган меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари қўлланилади.

6. Ўқув машғулотларини соатбай ҳақ тўлаш асосида олиб борганлик учун ҳақ тўлаш харажатлари таълим муассасаси харажатлар сметасининг ҳисоб-китоблар ёйилмасида алоҳида қатор билан ажратилган соатбай ҳақ тўлаш фонди маблағлари доирасида амалга оширилади.

7. Соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари академик соатдан келиб чиқиб белгиланган.

4. Мазкур ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

Молия вазирли

Д. КУЧКАРОВ

2019 йил 10 апрель

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**339 Махсус ахборот портали операторининг давлат харидларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш борасидаги фаолияти тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
22 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3015-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги ПФ–5624-сон «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2018 йил 15 майдаги 186-сон буйруғи (рўйхат рақами 3015, 2018 йил 21 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 21-сон, 444-модда) билан тасдиқланган Махсус ахборот портали операторининг давлат харидларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш борасидаги фаолияти тўғрисидаги низомға иловаға мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучға қиради.

Вазир

Д. КУЧКАРОВ

Ташкент ш.,
2019 йил 11 март,
37-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2019 йил 11 мартдаги
37-сон буйруғига
ИЛОВА

Махсус ахборот портали операторининг давлат харидларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш борасидаги фаолияти тўғрисидаги низомға киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 1-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги (бундан буён матнда Агентлик деб юритилади)» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (бундан буён матнда Молия вазирлиги деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 22 апрелда эълон қилинган.

2. 2-банднинг иккинчи хатбошисидаги ва 11-банддаги «Агентлик» деган сўз «Молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 4, 6-бандлардаги ва 7-банднинг биринчи хатбошисидаги «Агентлик» деган сўз «Молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 5-банддаги «Агентликка» деган сўз «Молия вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 9-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Оператор келишувни бекор қилиш ҳақида Молия вазирлигига камида беш ой олдин хабарнома юборган ҳолда ўз ташаббуси билан Операторлик функцияларини бажаришдан воз кечишга ҳақли.»

6. 10-банддаги «Агентлик» деган сўз «Молия вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 12-банднинг еттинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзинжиниринг» республика лойиҳалаштириш институти ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликни амалга оширади;».

8. 13-бандда:

ўнинчи ва ўн биринчи хатбошилардаги «Агентликни» ва «Агентликка» деган сўзлар тегишли равишда «Молия вазирлигини» ва «Молия вазирлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги ўн тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«портални узлуксиз ишлашини таъминлаш;»;

ўн тўртинчи ва ўн бешинчи хатбошилар тегишли равишда ўн бешинчи ва ўн олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

9. 15-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «шартномада» деган сўз «келишувда» деган сўз билан алмаштирилсин.

10. 17-банддан «Ўзбекистон Республикаси» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

11. 22, 28, 29 ва 43-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

12. 35-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«35. Молия вазирлиги бюджет буюртмачиларининг ҳисоб-китобларини ташкил этиш, шартнома бўйича мажбуриятларини бажарилиши ҳисобини юритиш ва таъминлаш мақсадида Оператор учун Молия вазирлигининг ахборот тизимида махсус шахсий ҳисобварақлар очади ва унга ушбу ҳисобрақамлардаги пул маблағларини бошқариш учун рухсат беради.».

13. Қўйидаги мазмундаги 35¹-банд билан тўлдирилсин:

«35¹. Бюджет буюртмачилар электрон давлат харидларида иштирок этиш учун ўзларининг ХҚКПдаги ҳисобрақамларига операторнинг воситачилик йиғимини ўтказадилар.».

14. 36-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«36. Бюджет буюртмачиси томонидан шахсий кабинет орқали электрон аукцион ўтказилиши тўғрисидаги эълон (бундан буён матнда эълон деб

аталади) жойлаштирилгандан ёки электрон дўконда иштирокчининг офертаси танлангандан (бундан буён матнда оферта деб аталади) сўнг, портал харажат моддасини кўрсатган ҳолда, эълон ёки офертанинг суммасини шакллантиради ва уни Оператор ва Молия вазирлиги ўртасида электрон ахборот алмашинуви орқали Молия вазирлигига юборади.

Ахборот олингандан сўнг, Молия вазирлигининг давлат молиясини бошқариш ахборот тизими (бундан буён матнда ДМБАТ деб аталади) электрон давлат харидлари яқунларига кўра тузилган шартномавий мажбуриятларни бажариш учун, молиялаштириш манбаларини инобатга олган ҳолда, керакли суммага банд қўяди.

Портал, маълумотлар базалари электрон ҳамкорлиги орқали эълон ёки оферта бўйича банд қўйилган сумма тўғрисидаги тасдиқловчи маълумотни қабул қилгандан сўнг, бюджет буюртмачиси томонидан жойлаштирилган эълон ёки танланган оферта бўйича нархлар сўрови механизмини активлаштиради.».

15. 37-банддаги «Буюртмачилар» деган сўз «Корпоратив буюртмачилар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

16. Қўйидаги мазмундаги 37¹-банд билан тўлдирилсин:

«37¹. Бюджет буюртмачилари эълон ёки оферта бўйича ДМБАТ томонидан банд қўйилган суммасининг, шунингдек уларнинг ХККПдаги ҳисобрақамларида операторнинг воситачилик йиғими суммасининг етарли миқдори мавжуд бўлган тақдирда, электрон давлат харидларида иштирок этадилар.».

17. 38-банднинг учинчи хатбошисидаги «буюртмачилари» деган сўз «корпоратив буюртмачилари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

18. 40-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«40. Оператор тузилган шартномалар бўйича ахборотни Молия вазирлиги ва Операторнинг маълумотлар базалари электрон ҳамкорлиги орқали Молия вазирлигига юборади.».

19. 41-бандда:

«қонунчиликда белгиланган тартибда ҳисобга олади» деган сўзлар «ҳисобга олади ва шартнома суммасини ХККПга ўтказиб беради» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бунда олдиндан тўлов шартлари шартномада назарда тутилади.».

20. 42-банддаги «ўн кун» деган сўзлар «беш иш куни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

21. 44-банддаги «буюртмачи» деган сўз «корпоратив буюртмачи» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

22. 50-банднинг бешинчи хатбошисидаги «буюртмачининг» деган сўз «корпоратив буюртмачининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

23. 51-банддаги «, ваколатли орган ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигини (бюджет буюртмачилари бўйича)» деган сўзлар «ва Молия вазирлигини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

24. 52 ва 53-бандлар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«52. Буюртмачи томонидан шартнома бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берилганлиги ҳақидаги маълумот тақдим қилинмаганда, ҲККП шартнома бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш муддати ту-гагач уч иш кунидан сўнг:

бюджет буюртмачиларнинг шартнома бўйича пул маблағларига суд ёки давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссиянинг тегишли қарори қабул қилингунига ёки у бекор қилингунга қадар банд қўяди;

корпоратив буюртмачи томонидан шартнома бўйича киритилган маблағлардан, закатдан ташқари, бандни бекор қилади;

корпоратив буюртмачи ва ижрочининг закатига суд ёки давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссиянинг тегишли қарори қабул қилингунига ёки у бекор қилингунга қадар банд қўяди;

бажарилмаган шартномалар бўйича маълумотларни Молия вазирлигига юборади.

53. ҲККП суднинг қонуний кучга кирган қарори ёки давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссия қарори асосида закатни банддан ечишни ва/ёки тегишли ҳисоб рақамга ўтказишни амалга оширади.

Бунда, ҲККП ижрочининг закати жарима сифатида бюджет буюртмачисига ўтказилиши тўғрисидаги суднинг қонуний кучга кирган қарори ёки давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссия қарори асосида закатни бюджет буюртмачисининг бюджетдан ташқари тегишли ҳисоб рақамига ўтказишни амалга оширади.»

25. 57-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«57. Буюртмачилар ва иштирокчилар Операторга тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилиги ва ўз вақтида тақдим этиш учун жавобгар бўлади.»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**340 Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 22 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3016-1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги ПФ–5624-сон «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2018 йил 15 майдаги 185-сон буйруғи (рўйхат рақами 3016, 2018 йил 26 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 22-сон, 458-модда) билан тасдиқланган Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 11 март,
36-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2019 йил 11 мартдаги
36-сон буйруғига
ИЛОВА

Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 1-банднинг йигирманчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«**давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган** (бундан буён матнда ваколатли орган деб юритилади) — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги;».

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 22 апрелда эълон қилинган.

2. 7-банддаги «Буюртмачи» деган сўз «Корпоратив буюртмачи» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 10-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

4. 20-банд «ҳолда» деган сўздан кейин «офертани таклиф этган иштирокчига ҳамда» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

5. 24-банддаги «Буюртмачи» деган сўз «Корпоратив буюртмачилар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 34-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Буюртмачилар» деган сўз «Корпоратив буюртмачилар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 35-банддаги «ўн» деган сўз «беш» деган сўз билан алмаштирилсин.

8. 40-банд «вазирлигининг» деган сўздан кейин «давлат молиясини бошқариш ахборот тизими» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

9. 47-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 53 ва 132-бандлардаги «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. 65-банддаги «ўттиз» деган сўз «ўн» деган сўз билан алмаштирилсин.

12. 221-банднинг иккинчи хатбошиси «Марказга» деган сўздан кейин «ва ваколатли давлат органларига» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

13. 6-боб қуйидаги мазмундаги 235¹-банд билан тўлдирилсин:

«235¹. Махсус ахборот портали ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг давлат молиясини бошқариш ахборот тизими ўртасидаги маълумотлар базаси электрон ҳамкорлиги орқали давлат буюртмачилари билан тузилган шартномалар реестри бўйича кунлик маълумот алмашинувви амалга оширилади.»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНДЛИК ВА МЕХНАТ
МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

**341 Академик лицейлар битирувчиларига мутахассислик-
лар бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш
ва қўшимча киритиш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
22 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2882-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2829-сон «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 26 сентябрдаги ПҚ-3290-сон «Олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ва Меҳнат вазирлигининг 2017 йил 7 апрелдаги 22/ҚҚ ва 8-Қ/Қ-сон қарори (рўйхат рақами 2882, 2017 йил 10 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 19-сон, 350-модда) билан тасдиқланган Академик лицейлар битирувчиларига мутахассисликлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимча киритилсин.

2. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Олий ва ўрта махсус
таълим вазири**

И. МАДЖИДОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 5 апрель,
16 қ/қ-сон

**Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири**

Ш. КУДБИЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 5 апрель,
14-2019-қ/қ-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 22 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,
Бандлик ва меҳнат муносабатлари
вазирлигининг 2019 йил 5 апрелдаги
16 қ/қ, 14-2019-қ/қ-сон қарорига
ИЛОВА

**Академик лицейлар битирувчиларига мутахассисликлар
бериш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимча**

1. 23-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«23. Амалий имтиҳондан муваффақиятли ўтган (ўртача арифметик балл «3» ва ундан юқори бўлган) ўқувчиларга ўқитилган мутахассислик бўйича мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ давлат намунасидаги сертификат берилади.».

2. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчанинг иловасига мувофиқ таҳрирда илова билан тўлдирилсин.

Академик лицейлар битирувчиларига
мутахассисликлар бериш тартиби
тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчага
ИЛОВА

«Академик лицейлар битирувчиларига
мутахассисликлар бериш тартиби
тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

**Академик лицей сертификатининг
давлат намунаси**

**Академик лицей сертификатининг
ТАВСИФИ**

Сертификат 105 х 297 мм ўлчовда, қоғоз 100% пахта, қалинлиги ва оғирлиги 100 + 10 гр/м², оқартиргичсиз, акс этмайдиган қоғозда тайёрланган кўринишга эга.

Сертификат бланкасининг юз томони юқори қисми марказида диаметри 30 мм бўлган Ўзбекистон Республикаси Давлат герби (рангли) тасвири туширилади. Давлат гербидан (рангли) 10 мм пастда «**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI**» сўзлари, унинг остидан «**SERTIFIKAT**» сўзи қизил рангда ўзбек тили латин алифбосида ёзилади.

Матн — Сертификат бланкаси ички қисми чап томонида ўзбек тили лотин алифбоси, ўнг томонида инглиз тилида тегишли ёзувлар туширилади.

Сертификат варағи ички қисмининг икки тарафи марказида «Хумо» қуши (25 x 10 мм ўлчамли) қиёфасида кўринмайдиган тасвир жойлаштирилади ва ультрабинафша нурлари остида кўринади.

Сертификат бланкаси 7 даражали ҳимояга эга:

1) тартиб рақами қора флуоресценция бўёғида чоп этилиб, ультрабинафша нурлари остида яшил рангда кўринади;

2) машинада нусха кўчиришни қийинлаштирадиган заиф бўёқлардан фойдаланиш;

3) ҳар хил шаклдаги растрли сеткалардан фойдаланиш;

4) варақнинг асосий фони оч жигарранг, икки тангер сеткадан пайдо бўлган ингичка синусоидал чизикдан ташкил топган ҳамда нусха кўчирмайдиган ҳимояга эга бўлиш;

5) махсус қоғоз ишлатиш;

6) Давлат гербини рангли тасвирлаш;

7) ёруғликда яхши кўринадиган «пахта кўсаги» кўринишидаги асосий уч ўлчовли сув белгисини тушириш, олти шаклли ўзгарадиган рақамдан фойдаланиш.

Сертификатнинг ташқи ўнг томони:

(Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири)

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI**

SERTIFIKAT

Сертификатнинг ички чап томони:

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
AKADEMIK LITSEY SERTIFIKATI**

LS № _____
(diplomsiz kuchga ega emas)

(familiyasi, ismi, otasining ismi)

20__ yilda _____
(akademik litsey nomi)

_____ ga kirib,
20__ yilda _____
(akademik litsey nomi)

_____ akademik
litseyni _____ yo‘nalishi
(yo‘nalish nomi)

bo‘yicha tamomladi hamda _____ mutaxassisligi berildi.
(mutaxassislik nomi)

M.O‘.

**Davlat attestatsiya
komissiyasi raisi**

**Direktor
Kotib(a)**

_____ shahri (tumani), 20__ yil

Ro‘yxat raqami _____

Сертификатнинг ички ўнг томони:

**THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
CERTIFICATE OF ACADEMIC LYCEUM**

LS № _____
(not valid without diploma)

(full name)

enrolled in 20 _____
and completed in 20 _____
(name of academic lyceum)

having specialized in _____
(field of study)

having specialist in _____
(speciality)

**(Seal) Chairman of the State
Attestation commission**

**Director
Secretary**

Given _____

Registration № _____».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

342 Тижорат банклари томонидан давлат мақсадли жам-
фармалари кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли
микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида низомнинг 8-бан-
дига ўзгартириш киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
22 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2527-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марка-
зий банки тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг 2018 йил 3 октябрдаги 789-сон «Фуқароларнинг ўзини ўзи
бошқариш органлари томонидан бериладиган тасдиқловчи ҳужжатлар тур-
ларини тубдан қисқартириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори-
га мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Молия
вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Молия
вазирлигининг 2013 йил 14 октябрдаги 329-В ва 98-сон қарори (рўйхат ра-
қами 2527, 2013 йил 19 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжат-
лари тўплами, 2013 й., 47-сон, 622-модда) билан тасдиқланган Тижорат банк-
лари томонидан давлат мақсадли жамфармалари кредит линиялари ҳисоби-
дан имтиёзли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 8-бан-
дининг еттинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муно-
сабатлари вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга ки-
ради.

Марказий банк раиси

Тошкент ш.,
2019 йил 12 апрель,
329-В-3-сон

М. НУРМУРАТОВ

Молия вазири

Тошкент ш.,
2019 йил 12 апрель,
48-сон

Д. КУЧКАРОВ

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 22 апрелда
эълон қилинган.

Келишилган:

*Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири*
2019 йил 12 апрель

Ш. КУДБИЕВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

343 **Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
22 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2465-6*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПҚ–4160-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ–4086-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида»ги, 2018 йил 13 июлдаги ПҚ–3852-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 26 апрелдаги 9/1-сон қарори (рўйхат рақами 2465, 2013 йил 3 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 23-сон, 309-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 22 апрелда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 16 март,
5/10-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил
16 мартдаги 5/10-сонли қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгаришлар ва
қўшимча**

1. 6-банддаги «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида» деган сўзлар «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 14-банднинг ўн бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчада кўрсатилган шахснинг(лар) фамилияси тўлиқлигича, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари ҳамда уларнинг имзолари (чек бундан мустасно).».

3. 20-бандда:

иккинчи хатбошидан «(микрофирмалар учун бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи шахснинг имзо намунасини тақдим этиш талаб этилмайди)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;
учинчи хатбошидан «ва муҳр изи» деган сўзлар чиқариб ташлансин;
тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;
бешинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;
қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим қилинган ҳисоб-китоб ҳужжатларига муҳр қўйиш ёки ҳужжатларни муҳр билан тасдиқлаш талаб этилмайди.».

4. 44-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«44. Тўлов талабномаси маблағларни олувчи томонидан мазкур Низомнинг 7-иловасига мувофиқ шаклдаги икки нусхада тузилган Реестр билан бирга унга хизмат кўрсатувчи банкка тақдим қилинади. Реестрнинг биринчи нусхаси ташкилот раҳбари ва бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи шахс томонидан имзоланган ҳамда ташкилот муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак, бунда тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим қилинган реестрда муҳр изининг мавжуд-

лиги талаб этилмайди. Реестрнинг биринчи нусхаси қабул қилиш санаси кўрсатилиб, банк масъул ходимининг имзоси ва банк томонидан унга бириктириб қўйилган муҳр билан тасдиқланган ҳолда маблағларни олувчига хизмат кўрсатувчи банкда қолади.»

5. 59-банднинг «а» кичик бандидан тўртинчи ва бешинчи хатбошилар чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИНИНГ
ҚАРОРИ

344 «Муддатли ҳарбий хизматга чақирилаётган чақирилувчилар танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
22 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2813-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 апрелдаги 291-сон «Чақирилувчиларни танлаб олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2016 йил 26 майдаги 5 ва 15/ққ-сон «Муддатли ҳарбий хизматга чақирилаётган чақирилувчилар танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2813, 2016 йил 20 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 29-сон, 355-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирadi.

Мудофаа вазири

Б. КУРБАНОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 16 апрель,
15-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 22 апрелда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Давлат тест маркази директори

М. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 16 апрель,
01/ққ-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

345 «Ички ишлар органлари томонидан гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар сақланадиган объект ҳамда хоналарнинг техник мустаҳкамлиги ва қўриқлаш-ёнғинга қарши сигнализация мосламалари билан жиҳозланганлиги ҳолати устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
23 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2041-3*

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 22 октябрдаги ЎРҚ–503-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2009 йил 4 октябрдаги 75-сон «Ички ишлар органлари томонидан гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар сақланадиган объект ҳамда хоналарнинг техник мустаҳкамлиги ва қўриқлаш-ёнғинга қарши сигнализация мосламалари билан жиҳозланганлиги ҳолати устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 2041, 2009 йил 16 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 47-сон, 508-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 23 апрелда эълон қилинган.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 31 март,
39-сон

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2019 йил
31 мартдаги 39-сон буйруғига
ИЛОВА

«Ички ишлар органлари томонидан гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар сақланадиган объект ҳамда хоналарнинг техник мустаҳкамлиги ва қўриқлаш-ёнғинга қарши сигнализация мосламалари билан жиҳозланганлиги ҳолати устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Буйруқда:

а) номи ва 1-банд «гиёҳвандлик воситалари,» деган сўзлардан кейин «уларнинг аналоглари,» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

б) муқаддимадан «(Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2003 й., 7-сон, 63-модда)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

в) 2-бандда:

биринчи хатбошидан «Ёнғин хавфсизлиги,» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи хатбошиси «гиёҳвандлик воситалари,» деган сўзлардан кейин «уларнинг аналоглари,» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. Низомда:

а) номи «гиёҳвандлик воситалари,» деган сўзлардан кейин «уларнинг аналоглари,» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

б) муқаддиманинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 16 июлдаги 315-сон «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятни лицензиялаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ички ишлар органлари томонидан гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва прекурсорлар (бундан буён матнда ГАПП деб юритилади) сақланадиган хона ва объектларнинг техник мустаҳкамлигини

ҳамда қўриқлаш-ёнғинга қарши сигнализация мосламаларининг ҳолатини назорат қилиш тартибини белгилайди.»;

в) 1-банддаги «ГППларни» қисқартмаси «ГАППларни» қисқартмаси билан алмаштирилсин;

г) 2 ва 8-бандлардаги «ГППлар» қисқартмаси «ГАППлар» қисқартмаси билан алмаштирилсин;

д) 4 ва 6-бандлардаги «ГППлар» ва «ГППларни» қисқартмалари тегишлича «ГАППлар» ва «ГАППларни» қисқартмалари билан алмаштирилсин;

е) 9-бандда:

иккинчи ва учинчи хатбошилардаги «ГППлар» қисқартмаси «ГАППлар» қисқартмаси билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги «ГППларни» қисқартмаси «ГАППларни» қисқартмаси билан алмаштирилсин;

ж) 11-бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11. ГАППлар сақланадиган объектларнинг текширувлари Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни сақлаш бўйича техник талаблари тўғрисидаги низомда (рўйхат рақами 1048, 2001 йил 11 июль) ўрнатилган ГАППлар сақланадиган объектларнинг тоифаланишига мувофиқ амалга оширилади.»;

учинчи ва тўртинчи хатбошилардаги «ГППлар» қисқартмаси «ГАППлар» қисқартмаси билан алмаштирилсин;

з) 2-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

Ички ишлар органлари томонидан гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар сақланадиган объект ҳамда хоналарнинг техник мустаҳкамлиги ва қўриқлаш-ёнғинга қарши сигнализация мосламалари билан жиҳозланганлиги ҳолати устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга
ИЛОВА

«Ички ишлар органлари томонидан гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва прекурсорлар сақланадиган объект ҳамда хоналарнинг техник мустаҳкамлиги ва қўриқлаш-ёнғинга қарши ташвишгоҳ мосламалари билан жиҳозланганлиги ҳолати устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари,
психотроп моддалар ва прекурсорлар сақланадиган
объект ва хоналарни текшириш
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

20__ йил «__» _____
(шаҳар, аҳоли турар жойининг номи)

Мен (бизлар), _____
(ички ишлар органлари ходими(лари)нинг лавозими, унвони, фамилияси, исми, отасининг исми)

_____ ТОМОНИДАН

_____ (юрidik шахс раҳбари (унинг вакили)нинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми)

_____ иштирокида гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва прекурсорлар сақланадиган жой текшириб чиқилди _____
(ГАППларни сақловчи юридик шахснинг номи)

_____ (ГАППларни сақлаш фаолияти амалга оширилаётган манзил)

Текширув давомида қуйидагилар аниқланди:

1. Объектнинг тоифаси ва тури _____
(объектнинг тоифаси — I, II, III; тури — завод, база, омборхона,

дорихона базаси, дорихона, лаборатория, бўлим, тиббиёт пункти, бошқа тиббиёт муассасаси)

2. Ташкилот (омборхона, база) ҳудудининг ҳолати _____
(фақат I тоифадаги объектларга тўлдирилади:

худуднинг яроқлиги, техник ҳолати ва ёритилиши; ўтиш тақиқланган худуднинг кенглиги,

жихозланиши ва ундан фойдаланиш тартиби; кириш (ички) темир йўлларининг ҳолати; ёнғинга қарши сув

манбалари ва яшин қайтарувчи ускуналарнинг мавжудлиги ва ҳолати, омборхоналар оралиғида ўзаро ҳамда

омбор иншоотлари ва алоҳида бинолар ўртасида белгиланган ёнғинга қарши масофаларга риоя этилиши ва х. к.),

3. Тўсиқларнинг ҳолати: _____

(факат I тоифадаги объектларга тўлдирилади:

тўсиқларнинг тури ва баландлиги, белгиланган талабларга мувофиқлиги (мувофиқ эмаслиги),

тешиқлар, ўпиришлар, осилиб қолишлар ва х. к. камчиликлар мавжудлиги)

4. Ёритилиш ҳолати: _____

(тўғри ва тўлиқ ёритилганлиги, ёритиш манбаларининг етарлиги ва созлиги)

5. Қўриқлаш-ёнғинга қарши сигнализация мосламаларининг (КЁҚСМ) мавжудлиги ва ҳолати:

(КЁҚСМларнинг тури — шовкинли, нурли-шовкинли, автоном, датчиклари Миллий гвардиянинг техник қўриқлаш

пунктига, қўриқлаш постига ёки мансабдор шахсга уланганлиги, объект 1 ва 2-рубёжларда КЁҚСМ

билан жиҳозланганлиги, КЁҚСМларнинг ҳолати — соз, носоз, кабелларни ўтказиш усули — хуфёна, очик)

6. ГАППларни сақлаш шароитлари: _____

(алоҳида (умумий) хонада, хонанинг жойлашуви,

деворлар, пол ва шифтнинг ўрнатилган талабларга мувофиқлиги,

деразалар металл панжаралар билан ҳимояланганлиги, уларнинг ўрнатилган талабларга мувофиқлиги)

7. Эшикларнинг ҳолати: асосий _____

(эшик ишланган материал, унинг техник мустаҳкамлиги,

кулфлар етарлиги ва ишончлиги)

қўшимча (панжарали) _____

(эшик ишланган материал, унинг техник мустаҳкамлиги,

кулфлар етарлиги ва ишончлиги)

8. Металл қути (сейф, шкаф)лар мавжудлиги ва ҳолати: _____
(қути (сейф, шкаф)ларнинг

етарлиги, ишончилиги ва техник мустаҳкамлиги, қулфларнинг етарлиги ва ишончилиги)

9. ГАППларни сақлаш тартиби: _____
(металл қути (сейф, шкаф)лар ичида сақланиши ташкил этилганлиги,

улар ишдан ташқари вақтда муҳрланиши)

10. Қўриқлаш ҳолати: _____
(қўриқлаш тури, постлар сони ва етарлиги, қуролланиши,

қўриқлаш хизматининг иш тартиби, постлар орасида алоқа воситалари мавжудлиги, созлиги ва х. к.)

11. Аввалги текширув(лар) натижасида аниқланган камчиликлар бар-
тараф этилганлиги: _____

(охирги текширув(лар) ким томонидан ва қачон амалга оширилган, аниқланган камчиликлар,

уларни бартараф этиш даражаси, далолатномада белгиланган муддатларда бартараф этилганлиги)

12. ГАППларни сақлашда аниқланган камчиликлар ва уларни бартараф
этиш бўйича таклифлар:

Т/р	Аниқланган камчиликларнинг мазмуни	Аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар	Ижро муддати

Имзолар:

(имзо)

(фамилияси, исми, отасининг исми)

(имзо)

(фамилияси, исми, отасининг исми)

Далолатнома

нусхасини олдим:

(имзо)

(фамилияси, исми, отасининг исми)».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**346 Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги қоидаларининг 18-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
23 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3039-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 декабрдаги 1064-сон «Гидротехника иншоотлари хавфсизлигини таъминлаш бўйича авария моддий-техника захираларини яратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирининг 2018 йил 7 июндаги 342-сон буйруғи (рўйхат рақами 3039, 2018 йил 16 июль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.07.2018 й., 10/18/3039/1523-сон) билан тасдиқланган Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги қоидаларининг 18-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18. Аварияларни бартараф этиш чора-тадбирларини амалга ошириш учун зарур бўлган материаллар, ускуналар, инструментлар, инвентарь, автоматлаштириш, алоқа, энергия таъминоти ва ёнғин хавфсизлиги воситалари Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 декабрдаги 1064-сон қарори билан тасдиқланган Гидротехника иншоотлари хавфсизлигини таъминлаш бўйича авария моддий-техника захираларини яратиш тартиби тўғрисидаги низом асосида жойлаштирилади.».

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Ш. ХАМРАЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 8 апрель,
78-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 23 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат кўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2019 йил 20 апрелдан 26 апрелгача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитасининг 2019 йил 11 мартдаги 4-сон «Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш соҳасидаги аризалари ва шикоятларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 22 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3156.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 16 мартдаги 5/18-сон «Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 22 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2709-3.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ кўмитасининг 2019 йил 10 апрелдаги 51, 2019-28-сон «Ўзбекнефтгаз» МХК корхоналари тизим ичида маҳсулот етказиб бериш бўйича табиий газни пировард истеъмолчига сотишдан давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлаш тартиби ҳақида низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 22 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2088-2.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йил 10 апрелдаги 3-2019, 19-ққ, 15-2019-ққ-сон «Ўқув машгулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 22 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3157.

5. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 11 мартдаги 37-сон «Махсус ахборот портали операторининг давлат харидларини таш-

кил этиш ҳамда ўтказиш борасидаги фаолияти тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 22 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3015-1.

6. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 11 мартдаги 36-сон «Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 22 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3016-1.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йил 5 апрелдаги 16 қ/қ, 14-2019-қ/қ-сон «Академик лицейлар битирувчиларига мутахассисликлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 22 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2882-1.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлигининг 2019 йил 12 апрелдаги 329-В-3, 48-сон «Тижорат банклари томонидан давлат мақсадли жамғармалари кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида низомнинг 8-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 22 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2527-3.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 16 мартдаги 5/10-сон «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 22 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2465-6.

10. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2019 йил 16 апрелдаги 15, 01/ққ-сон «Муддатли ҳарбий хизматга чақирилаётган чақирилувчилар танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 22 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2813-1.

11. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2019 йил 31 мартдаги 39-сон «Ички ишлар органлари томонидан гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар сақланадиган объект ҳамда хоналарнинг техник мустаҳкамлиги ва қўриқлаш-ёнғинга қарши сигнализация мослама-

лари билан жиҳозланганлиги ҳолати устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 23 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2041-3.

12. Ўзбекистон республикаси сув хўжалиги вазирининг 2019 йил 8 апрелдаги 78-сон «Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги қоидаларининг 18-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 23 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3039-1.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг «Ўзбекнефтгаз» МХК корхоналари тизим ичида маҳсулот етказиб бериш бўйича табиий газни пировард истеъмолчига сотишдан давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлаш тартиби ҳақида низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2088, 2010 йил 19 март), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 2088-1, 2017 йил 19 июнь).

Адлия вазирининг 2019 йил 22 апрелдаги 200-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг «Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 3054, 2018 йил 15 август).

Адлия вазирининг 2019 йил 22 апрелдаги 201-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг «Муддатли ҳарбий хизматга чақирилаётган чақирилувчилар танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2813, 2016 йил 20 июль).

Адлия вазирининг 2019 йил 22 апрелдаги 207-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

